

Maʼhalla

№10 / 2024 йил 15 ФЕВРАЛЬ, ПАЙШАНБА

ЎЗБЕКИСТОН МАҲАЛЛАЛАРИ УЮШМАСИНИНГ ИЖТИМОЙ-СИЁСII, МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ГАЗЕТАСИ

WWW.UZMAHALLA.UZ

«Маҳалла еттилиги» — ягона жамоадир!

Улар биргалликда қарор қабул қилади, ҳар бир муаммога бирга ечим топади

“Замон шиддат билан ўзгаришти. Маҳаллани жойларда муаммоларни чинакам ҳал қиладиган институтга айлантиришимиз зарур. Яна тажриба орттирамиз, яна ўзгарттирамиз. Ҳаёт бизни шунга мажбур қилишти. Ҳозирги таҳлиқаларга ечим тонамиз, десак, бизнинг ягона йўлимиз — маҳалла, маҳалла, маҳалла ва яна бир марта маҳалла. Маҳалла тизими обрўйини қанча кўтарсак, одамлар ишонади, одамлар биздан рози бўлади”.



ЖАРАЁН

Санжар ИСМАТОВ.

Бу — Президент Шавкат Мирзиёевнинг маҳалла тизimini такомиллаштириш, уни аҳоли муаммоларини ҳал қилувчи биринчи бўғинга айлантириш зарурлиги борасидаги сўзларидан бир парча. Дарҳақиқат, маҳалланинг жойларда халқнинг маслақдоши ва кўмақдошига, таъбир жоиз бўлса, “адолат тарозиси”га айланиши, ҳеч шубҳасиз, одамларнинг давлатга бўлган ишончини янада мустаҳкамлайди. Бугун маҳалла тизими ислохотларнинг марказий ва ҳал қилувчи бўғинига айланди. Маҳаллани қўллаб-қувватлаш кенгашлари, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси ташкил қилинди, “маҳалла еттилиги” тизими жорий этилди. Маҳалладаги ҳар бир ходимнинг устувор вазифалари белгилаб берилди. Ҳўш, бу борадаги жараёнлар маҳаллаларда қандай йўлга қўйилмоқда? Қандай иш тажрибалари оммалаштирил-япти? Келинг, айни саволларга Тошкент шаҳридаги “Кўкча-Оқтепа” ҳамда Андижон вилояти маҳаллалари мисолида жавоб излаймиз.

ТИЗИМ ҚАНДАЙ ИШЛАЙДИ?

Бу ҳақда сўз борганда, Маҳаллаларда аҳоли муаммоларини ўрганиш ва ҳал этиш, “маҳалла еттилиги”нинг фаолият тизimini самарали ташкил этиш механизми ишлаб чиқилди. Унга асосан, Бош вазир раислигидаги Республика маҳаллани қўллаб-қувватлаш кенгаши, унинг вилоят ва туман (шаҳар) кенгашлари қошида доимий фаолият кўрсатувчи ИШЧИ ГУРУҲЛАРИ ташкил этилди.

Давоми 3-саҳифада.

Биринчи навбатда, маҳалла ва маҳалла идораларида кутубхоналар ташкил этиш керак.

МУЛОҲАЗА



Маънавий муҳитдаги энг катта муаммо — МУТОЛААСИЗЛИКДИР

8-саҳифада.

Боқимандаликка чек қўядиган ягона мезон бор. Бу — ...



ТАҲЛИЛ

“Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси фаолиятини йўлга қўйиш ва маҳаллаларда бошқарув тизimini такомиллаштириш бўйича “йўл харитаси”га кўра, ижтимоий шартнома амалиёти жорий қилинади. Бунда «Темир дафтар», «Ёшлар дафтари» ва «Аёллар дафтари» орқали ёрдам берилган шахслар билан ижтимоий шартнома тузилади. Ҳўш, бу тартибнинг қандай мажбурияти ва масъулияти бор? 2-саҳифада.

Солиқ инспектори қачон, қайси йиғинда ҳозир бўлади

“Биз эрталаб солиқ инспекцияси идорасига боришимиз, у ерда икки соат йиғилишида ўтиришимиз ва ЎЗ ИШИМИЗНИ бажарошимиз керак. Фақат куннинг иккинчи ярмида маҳаллаларга чиқишимиз мумкин”.

ФИКР

Маҳаллаларни қўллаб-қувватлаш янада такомиллаштириш, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини амалга ошириши учун зарур шарт-шароитлар яратиш, уларга қонунда белгилаган ваколатларини амалга оширишда кўмаклашиш мақсадида тизимга қатор муҳим ўзгаришлар киритила бошланди. Жумладан, Маҳаллалар уюшмаси ташкил этилди ва унинг зиммасига қатор вазифалар юклатилди.

Шундай вазифалардан бири — маҳалла масъулларининг малакасини ошириш, уларда замонавий бошқарув кўникмалари шаклланишига кўмаклашишдан иборат Самарқанд вилоятида мазкур йўналишда маҳалла масъуллари — маҳалла раиси, ҳоким ёрдамчиси, ёшлар етакчиси, хотин-қизлар фаоли, профилактика инспектори ва солиқ инспектори малака ошириш ўқувига жалб этилди. “Маҳалла еттилиги” таркибидagi яна бир масъул — ижтимоий ходим ўрни ҳозирча вакант турибди.

Давоми 2-саҳифада.

Қишлоқдан шаҳарга бориб юрмайсиз...


Ҳамма хизматлар шу ерда кўрсатилади.

ҚУЛАЙЛИК

Ҳар бир ишда таҳлил ва таққос тўғри қарор қабул қилиш имкониятини беради. Оддий мисол: бундан 3-4 йил аввал ота-оналар фарзандини мактабга ёки боғчага жойлаштириш учун қанча овора бўларди. Айрим ҳолларда таъмагирилик ҳолатларига дуч келинарди. Ёки туғилганлик тўғрисида гувоҳнома олиш учун қишлоқдан туман марказига бориб, қанча вақт ва маблағ сарфланарди. Бундай мисоллар кўп. Бугун давлат хизматлари маҳаллаларга кириб бормоқда.

Президентнинг 2023 йил 21 декабрдаги “Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси фаолиятини йўлга қўйиш ва маҳаллаларда бошқарув тизimini такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига асосан, давлат хизматларини кўрсатиш янги шаклда ташкил этилади.

Давоми 3-саҳифада.



“Энг намунали маҳалла раиси” танлови ўтказилади

2024 йил февраль-март ойларида уч босқичда “Энг намунали маҳалла раиси” танлови ташкил этилади.

1-босқич — сектор босқичи 19-25 февраль кунлари ўтказилади. Унда 2023 йил якунига кўра, рейтинг баҳолаш натижасида фаолияти “намунали” ва “яхши” баҳоланган фуқаролар йиғинлари раислари иштирок этади.

2-босқич — туман (шаҳар) босқичи 26-29 февраль кунлари ўтказилади. 1-ўрин эгалари кейинги босқичда қатнашади.

3-босқич — Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар босқичи 1-10 март кунлари ўтказилади. Унда 1-, 2-, 3-, 4-, 5-ўринларни қўлга киритган маҳалла раислари аниқланади.

Тақдирлаш 22 март — Маҳалла тизими ходимлари кунини арафасида амалга оширилади. Танлов ғолиблари давлат мукофотлари таъсия этилиши мумкин.



Президент Шавкат Мирзиёевга ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ тизимини такомиллаштириш бўйича таклифлар тақдимот қилинди.



Конституциявий қонун лойиҳасига кўра, Бош вазир ва вазирлар ҲАР ЯРИМ йилда Қонунчилик палатасига ҳисобот тақдим этади.



Президент қарорига мувофиқ, пахта майдонларининг ҳар гектарыга 1 МИЛЛИОН СЎМДАН субсидия берилади.



ТАҲЛИЛ

Солиқ инспектори қачон, қайси йиғинда ҳозир бўлади

ФИКР

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада.

Тошпўлат РАҲМАТУЛЛАЕВ,
Самарқанд шаҳридаги "Боғимайдон" маҳалласи раиси.

Маҳалла масъулларига турли даражадаги тайёргарлиги бўлган ташкилот ва идора вакиллари дарс ўтмоқда. Улар, ўзларининг ўқитишича, олдинроқ Давлат бошқаруви академиясида малака оширишда бўлиб қайтишган.

Самарқанд вилояти солиқ бошқармаси масъули маҳаллага бириктирилган солиқ инспекторининг асосий вазифалари ҳақида қилган чиқишидан сўнг мен унга куйидаги таклиф билан мурожаат қилдим: "Ҳар учта маҳаллага бир нафардан солиқ инспектори бириктирилди. Аммо улар қачон, қайси маҳаллада бўлиши маълум эмас. Жадвал тузиб, уларнинг ҳар бир маҳаллада икки кундан бўлиши таъминлаш керак".

Маърузачи ҳали жавоб беришга улгурмасдан ўқишда бўлган солиқ инспекторларидан бири улар ҳафтада беш кун ишлашини, ҳар бир маҳаллада икки кундан бўлиши мумкин эмаслигини, бу меҳнат қонунчилигининг бузилишига олиб келишини таъкидлади. Яна кўшимча қилди: "Биз эрталаб солиқ инспекцияси идорасига боришимиз, у ерда икки соат йўғилишда ўтиришимиз ва ЎЗ ИШИМИЗНИ бажараримиз керак. Фақат куннинг иккинчи ярмида маҳаллаларга чиқишимиз мумкин".



Ушбу сўзларга эътибор қаратишингизни хоҳлардим. Маҳаллага бириктирилган барча масъуллар деярли ана шундай қайфиятда. Уларнинг юқорида турувчи ЎЗ ИШ БЕРУВЧИСИ бор. Маҳалла раиси уларга бош деб айтилаётган бўлса-да, уларни йиғилиш ва турли тадбирларга жалб қилиш бунга эъмоқда. Маҳалла инспектори фаолияти давомида яққол мисолдир.

Хулоса шунки, маҳалла ишини давлат раҳбари кутаётгани каби, фармони қарорларда белгиланганидек, йўлга қўйиш учун тегишли давлат идоралари раҳбарлари шунга мос ишлаши керак. Бунинг учун уларни ўқитиш зарурлиги кўриниб турибди.

Боқимандаликка чек қўядиган ягона мезон бор. Бу — ...

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада.

ХАЛҚАРО ТАЖРИБА ҚАНДАЙ?

Халқаро тажрибада "Шартли пул ўтказиш" деб таърифланувчи ижтимоий келишув дастурлари мавжуд бўлиб, улар, одатда, камбағалликни қисқартириш ва ижтимоий тизим самарадорлигини ошириш мақсадида кам таъминланган аҳоли эҳтиёжларидан келиб чиқиб қўлланади. Мисол учун, Бразилияда 1990 йиллардан бошлаб "Bolsa Família" дастури йўлга қўйилган. Унга кўра, камбағал оила болалари 6 ёшигача эмланган бўлса ҳамда 6 ёшдан 15 ёшгача мунтазам мактабга қатнаса, ушбу оила нафақа олиш имкониятига эга бўлади.

Туркияда ижтимоий келишув тизимида тиббиёт ва таълим соҳасига кўпроқ устуворлик берилган. Масалан, кам таъминланган оналарга мунтазам тиббий кўриқдан ўтиш шарти билан 9 ой давомида бепул тиббий ва моддий ёрдам (нафақа) берилади. Бундан ташқари, 5 ёшгача бўлган болаларни мунтазам тиббий кўриқдан ўтказиш шарти билан ота-оналарга тиббий ва пул ёрдами кўрсатилади. Камбағаллик туфайли болаларнинг мактабга қатновини таъминлай олмайдиган оилаларга мактабга қатнов давомидаги тўлиқ таъминлаганида нафақа берилади.

Ўзбекистонда бугун эҳтиёжманд оилаларга 70 дан ортиқ турдаги ижтимоий ёрдам ва хизматлар кўрсатиб келиняпти. Лекин маз-

кур жараёнда ижтимоий ёрдам ва хизматлардан фойдаланувчиларнинг аниқ масъулияти ҳамда мажбурияти белгиланмаган, барча хизматлар тўлиқ электрон тарзда кўрсатилмайди. Гарчи ҳозирда мамлакатимизда фақатгина ишсиз аҳоли билан бандликни таъминлаш шартли асосида ижтимоий имтиёз ва хизматлардан фойдаланиш тартиби тасдиқланган бўлса-да, ушбу тизим кенг қамровда амалга оширилмаётганини айтиб ўтиришни.

ИЖТИМОЙ МАЖБУРИЯТДА ҚАНДАЙ ШАРТЛАР БОР?

Президентнинг 2022 йил 25 июлдаги тегишли фармони билан "Ўзбекистон Республикаси аҳолисини ижтимоий ҳимоя қилиш стратегияси" тасдиқланган. Стратегия тўрт йўналишни қамраб олган: ижтимоий хизматлар, ижтимоий суғурта, ижтимоий ёрдам ва бандликка кўмаклашиш.

Стратегияга кўра, кам таъминланган оилаларга болалар нафақаларини ижтимоий шартнома тузиш орқали тақдим этиш белгиланган. Ижтимоий шартнома тизимида ижтимоий ёрдам олаётган фуқаро маълум бир ижтимоий мажбуриятни бўйинига олади. Мисол учун, дастлабки босқичда ижтимоий мажбурият сифатида оиладаги болаларнинг мактабга ёки боғчага доимий тарзда қатнаши белгиланади. Нега бундай шарт оилага қўйилмоқда? Чунки болаларнинг таъли-

ми унинг келажагини аниқлайди. Таълим олган болалар келажақда ишга жойлашишда қийналмайди ва бу унинг келажақдаги оиласи камбағаллик ҳолатига тушиб қолмаслигини аниқлатади. Яна бир ижтимоий мажбурият — оилавий поликлиникадан мажбурий вакциналарни ўз вақтида олишдир.

Ижтимоий шартнома шартлари бажарилмаган тақдирда, болалар нафақаси миқдори камайдди ёки тўхтаётди. Бунда ижтимоий шартларни бажариш учун кўшимча мuddат тақдим этилади, бола соғлиги сабабли қатнов пасайиши, вакциналарни мuddатдан кеч ёки умуман олмаганда чекловлар қўлланилмайди.

СУБСИДИЯ ИЖТИМОЙ ШАРТНОМА АСОСИДА БЕРИЛСА...

Бизнингча, ижтимоий шартноманинг кейинги босқичларида эҳтиёжманд оила ёки фуқаро билан бандликни таъминлаш, касб-хунар ва хорижий тилларни ўрганиш ёки тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш, ижтимоий ёрдам ва хизматлар кўрсатиш каби йўналишларда шартнома тузиш ўзининг амалий натижасини беради. Нега?

Мисол учун, ҳозирги кунда меҳнат органларига мурожаат қилган айрим шахслар ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб қилинади. Аммо бу чоранинг камчилиги шундаки, у вақтинчалик чора ва аниқ мuddат ўтганидан сўнг жамоат

ишларида қатнашаётган шахс яна ишсиз бўлиб қолаверади. Ижтимоий нафақалар касб-хунар ўрганиш шартли билан тақдим этилса, ишсиз шахс маълум бир касб эгаси бўлади, ишга жойлашиши осонлашади. Ишга жойлашган, бу одамнинг муҳтожлиги бартараф этилади ва бундай ёндашув вақтинча эмас, балки узок мuddатга қаратилади.

Қолаверса, ҳозирда ҳоким ёрдамчилари кўмағида берилётган тадбиркорлик ва бандлик субсидияларини ҳам ижтимоий шартнома орқали тайинлаш мумкин. Мисол учун, ишсиз шахсга субсидия маълум бир меҳнат қуролларини сотиб олиб, уй шароитида устaxonа юритиш учун ажратилиши мумкин. Аммо бу шахс меҳнат қуролларини олмай, устaxonа юритиш фикридан қайтиб қолиши ёки узокни йўламай, тез ва осон йўли билан бийрула йирикроқ даромад олиш учун бу қуролларни сотиб юбориши мумкин. Шунда бу шахс яна ишсиз ва даромадсиз қолади. Шу боис субсидия ажратилганида ижтимоий шартномада шахс зиммасига ижтимоий масъулият юкланади. Яъни меҳнат қуролларини олганидан сўнг у устaxonани юритиши зарур. Ҳоким ёрдамчиси олти ой давомида субсидия берилган шахснинг устaxonага бориб, шартнома шартларига амал қилинаётганини мониторинг қилиб боради. Шундай қилиб, шахс яна бир бор ишсизлик ҳолатига тушиб қолишининг олди олинади.

"Йўл харитаси"га асосан, «Темир дафтар», «Ёшлар дафтари» ва «Аёллар дафтари» орқали ёрдам берилган шахслар билан ижтимоий шартнома тузилар экан, уларнинг касб-хунари бўлиши, тадбиркорликни бошлашига имконият яратилади. Шу билан бирга, ижтимоий шартнома тизими орқали боқимандалик қайфиятини йўқотиш, "хамма нарсани давлат қилиб бериши керак" деган қарашни ўзгартириш мумкин.

Санжар ИСМАТОВ.

РАИС ЁН ДАФТАРИГА! Ҳомийлик маблағлари қандай сарфланади?

Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 30 мартдаги тегишли қарори билан "Фуқаролар йиғинлари томонидан жисмоний ва юридик шахслардан ихтиёрийлик асосида жалб этилган маблағларни ва ҳомийлик хайрияларини шакллантириш ҳамда улардан фойдаланиш тартиби тўғрисида"ги Низом тасдиқланган.

Маблағларни бошқариш ҳамда тақсимлашни фуқаролар йиғини раиси амалга оширади. Улар куйидаги мақсадларга сарфланади:

- биринчидан, кам таъминланган ва эҳтиёжманд бўлган ёлғиз кексалар, ногиронлиги бўлган шахслар, шунингдек, биринчи навбатдаги ҳаётий эҳтиёжини таъминлай олмайдиган кам даромадли, икки ва ундан ортиқ воёга етмаган болалари бор, боқувчиси ногиронлиги бўлган шахс ёки меҳнат қобилиятини вақтинча йўқотган, сурункали касални парвариш қилаётган оилаларга бир марталик моддий ёрдам кўрсатиш;
- иккинчидан, маҳаллада табиий, техноген ва экологик хусусиятли талофат кўрган оилаларга моддий ёрдам кўрсатиш;
- учинчидан, маҳалла ҳудудини ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ва санитария жиҳатдан тозалаш ҳамда коммунал хизматлар учун тўловларни амалга ошириш;
- тўртинчидан, ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш.

"Тўхтамиш"да ўзгаришлар тўхтагани йўқ



ОБОДЛИК

Жўрабек АЛИҚУЛОВ,
Олтинсой туманидаги "Тўхтамиш" маҳалласи раиси.

Маҳалламиз Ҳисор тоғ тизмасининг Чўлибайир тоғларидан бошланадиган Вахшиворсой дарасининг икки тарафидан жойлашган. Бодзорчилик-узумчилик, чорвачилик билан шуғулланадиган маҳалла одамлари яқин йилларгача ёзда чанг, қишда лой кўчалардан азият чекарди. Ҳозир ҳам тош ётқизилмаган, асфальт қилинмаган ички кўчалар йўқ эмас.

Яхши яшашнинг минг бир йўлини излаган тўхтамишликлар иссиқхона-

да лимон етиштиришнинг, эртаги помидор, бодринг ва бошқа зироатлар парваришнинг ҳадисини олди. Тоғ тарафларда иссиқхонада махсулот етиштиришнинг меҳнати энгил бўлмас-да, бу соҳа кўпчилигининг турмуш тарзини ўзгартирди. Кимдир даромаддан элга тўй бераётир. Бошқаси янги ўй қурмоқда, уй-жойини таъмирламоқда. Яна биров лимончиликдан олинган даромад эвазига энгил машина харид қилляпти.

"Тўхтамиш"даги 724 та оилада 2 920 нафардан зиёд аҳоли яшайди. Уларнинг 186 нафари турил қорхона, ташкилот ва муассасаларда меҳнат қилмоқда. 150 нафари тадбиркорлик билан шуғулланаётир. Аҳолига 96,8 гек-

тар майдон томорқа сифатида ажратиб берилган. 351 та оила томорқасининг 15 гектар ерида иссиқхона барпо этган. Хонадонларда қорамол, қўй-эчки, парранда боқилади. Битта хонадонда 80 та асалари оиласи бор.

Худудда "Обод хонадон", "Обод кўча", "Обод маҳалла" мезонларини жорий этиш бўйича "йўл харитаси" ишлаб чиқилди. Маблағлари аниқ ҳисоб-китоб қилинди. Режага кўра, худуддан ўтувчи маҳаллий автомобиль йўлининг 4,5 километр, ички йўлнинг 2,5 километр қисмига асфальт ётқизилади. Таъмирлаб 6 километр йўлга шағал тўқилади. Битта янги трансформатор ўрнатилиб, олтитаси таъмирланади. 101 дона янги темир-бетон устун ўрнатилади ва 4 километр электр тармоғи тортилади. 35 та қуёш панелли тунги ёритиш чироғи одамларнинг тунда кенг, раво кўчаларда ҳаракатланиши учун қулай шароит яратлади. Аҳолининг ичимлик сув таъминотини яхшилаш учун иккита сув иншооти, битта сув станцияси қурилади. 15 километр янги қувур тортилиб, 6 километр мавжуд сув тармоғи таъмирланади. Оқова сув ариқларининг

ирригация тизими тубдан яхшиланади. "Тўхтамиш"нинг "йўл харитаси"да маҳалла фуқаролар йиғини биносини жорий таъмирлаш, худудда янги мактаб қуриш, мавжуд қаровсиз иншоотни замонавий мактабгача таълим муассасаси ва қишлоқ врачлик пункти биносига мослаштириш, кам таъминланган, ёрдамга муҳтож оилаларнинг уй-жойларини таъмирлаб бериш каби йирик лойиҳа режалаштирилган.

Қиш об-ҳавосининг мўътадил келаётганидан фойдаланган қурувчилар, йўлсозлар, ҳашарчилар худудда бунёдкорлик, ободонлаштириш ишларини аллақачон бошлаб юборган. Маҳалланинг кириш қисмига стелло ўрнатилиб, уй-жойларни, йўлларни таъмирлаш, атрофига манзарали дарахт кўчатларини ўтказиш, қабристонни ободонлаштириб, ижтимоий соҳа объектларини қуриш сингари ишлар уюшқоқлик билан олиб боришмоқда. Бу юмушларда тўхтамишликлар фаол иштирок этмоқда.

Мабодо йўлнинг тузилиши, бугун "Тўхтамиш"га келсангиз, чорак асрдан ортиқ вақтда бажарилмаган ўзгаришлар қисқа кунларда рўёбга чиқарилаётганини гувоҳ бўласиз. Агар авваллари бу тарафларга келган бўлсангиз, маҳаллада меҳнат қилаётган қурувчилар, ҳашарчилар ва қудратли техниклар ёрдамида маҳалла ахлининг орзу-умидлари рўёбга чиқаётганидан ҳайратда қоласиз. Вахшиворсой этакларидаги Ҳужасоат қишлоғи тугаб, қия йўл тепаликдаги "Тўхтамиш"га ўрлаган худудда ўрнатилган салобатли стелло ва тева-рак-атрофга экилган манзарали дарахт кўчатларидан сиз ҳам фахр хиссини туюсиз.

"Тўхтамиш"га келсангиз, чорак асрдан ортиқ вақтда бажарилмаган ўзгаришлар қисқа кунларда рўёбга чиқарилаётганига гувоҳ бўласиз.



“Фарғона – Сочи – Фарғона” йўналишида ҲАФТАДА БИР МАРТА тўғридан-тўғри парвозлар йўлга қўйилди.



Ўзбекистон ва Қозоғистон УСТЮРТ ТЕКИСЛИГИ ФАУНАСИНИ сақлаш мақсадида ҳамкорлик меморандуми имзолади.



Ўзбекистонда БЕЛАРУСЬ ТРАКТОРЛАРИНИ йиғиш йўлга қўйилади.

«Маҳалла еттилиги» — ягона жамоадир!

Улар биргалликда қарор қабул қилади, ҳар бир муаммога бирга ечим топади



Давоми. Бошланиши 1-саҳифада.


ҲАР БИР ХОДИМНИНГ ИШЛАШ КОНЦЕПЦИЯСИ БОР

Пойтахтимизнинг Учтепа туманидаги “Кўкча-Оқтепа” маҳалласи “еттилик” фаолияти номунали йўлга қўйилган йиғинлар сирасига киради. Маҳаллада 10 970 нафар аҳоли яшайди. Уларнинг 5 600 нафарини аёллар, 1 642 нафарини ёшлар, 34 нафарини хорижга ишлашга кетганлар ташкил этади. Хизмат кўрсатиш соҳаси маҳалла “драйвери” бўлиб, 4 та хизмат кўрсатиш шохобчаси, 23 та савдо дўконлари мавжуд, 452 нафар киши ўзини ўзи банд қилган.

Яқинда мазкур маҳаллада “Маҳалла еттилиги” фаолиятини ташкил этиш, маҳаллаларнинг давлат органлари ва нодавлат ташкилотлари билан ҳамкорликда ишлаш механизми “Кўкча-Оқтепа” ўқув-амалий семинар ташкил этилди. Унда Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси, худудий бошқармалар, Учтепа тумани ҳокимлиги, ҳамкор ташкилотлар вакиллари, маҳалла-лар мутасаддилари иштирок этди. Семинарда қайд этилганидек, бугунги кунда республикадаги мавжуд 9 442 та маҳаллада “еттилик”нинг 50 343 нафар аъзоси фаолият юритмоқда. “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари” ва “Ёшлар дафтари”, Бандликка қўмақлаштириш ва аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш жамғармалари орқали кўрсатиладиган ёрдамлар “маҳалла еттилиги”нинг коллегиял қарори асосида амалга оширилади. Натижада моддий ёрдам тайинлашнинг амалдаги беш босқичли тартиби

уч босқичга туширилди ҳамда ёрдамлар ажратишда юқори турувчи ташкилотларнинг қарор қабул қилиши билан боғлиқ бюрократик жараянларга чек қўйилди. Ўқув-семинарда “Кўкча-Оқтепа” маҳалласи мутасаддилари “еттилик” фаолиятини самарали ташкил этиш, давлат органлари ва нодавлат ташкилотлари билан ҳамкорликда амалга оширилаётган вазифалар тўғрисида тақдирот қилди. Маҳаллада йўлга қўйилган тажрибалар хусусида сўзлаб берилди. Семинар доирасида Уюшманинг худудий бошқармалари бош ҳисобчилари учун молия-ҳўжалик фаолиятини йўлга қўйиш, туман (шаҳар)ларда “Маҳалла бюджет” тизимини жорий этиш, Маҳаллаларнинг ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал этиш жамғармаларини шакллантириш масалалари бўйича ўқув-амалий машғулот ўтказилди. Маҳалла инфратузилмасини яхшилашга оид тақлифлар билдирилди.

УЧТЕПА ТУМАНИДАГИ “КЎКЧА-ОҚТЕПА” МАҲАЛЛАСИДА ҲАР БИР ХОДИМНИНГ ИШЛАШ КОНЦЕПЦИЯСИ ЖОРИЙ ЭТИЛГАН



МАҲАЛЛА ИШИ ҚАЙСИ ЙЎНАЛИШЛАРНИ ҚАМРАБ ОЛАДИ?

Хабарингиз бор, жорий йилнинг 31 январидан бошлаб Республика ишчи гуруҳи Андижон вилояти маҳаллаларида ўрганишлар олиб борди. Жараёнда “маҳалла еттилиги” фаолиятини самарали ташкил этиш бўйича тегишли чора-тадбирлар, “йўл хариталари” ишлаб чиқилди. Бунда 8 та йўналиш белгиланган олинди. Булар:

- “Маҳалла баланси”;
- Маҳалла дастури;
- “Маҳалла еттилиги” вазифалари;
- Маҳалла раисининг иш режалари;
- Бир ойлик тадбирлар режаси;
- Мактаб ўқувчилари давомати;
- Топшириқ ва ижро тизими;
- Кадрлар масаласи.

“МАҲАЛЛА БАЛАНСИ” 25 та йўналиш, 401 та кўрсаткични ўз ичига олади. Маҳалла ҳақидаги умумий маълумотлар, демографик кўрсаткичлар, аҳолининг ижтимоий ҳолати, бандлик, таълим, хотин-қизлар, маҳалла инфратузилмаси, жамоатчилик тузилмалари каби йўналишлар шулар жумласидан.

МАҲАЛЛА ДАСТУРИ ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, инфратузилмани яхшилаш, бандликни таъминлаш, маънавий-маърифий тадбирларини ўтказиш, ёшлар билан ишлаш, “Хавфсиз маҳалла” тамойилини жорий этиш, Президент фармони ва қарори ижросини таъминлаш, маънавий соҳаларда белгиланган вазифалар ижросини ўз ичига олади.

МАҲАЛЛА РАИСИНИНГ ИШ РЕЖАЛАРИ кунлик, ҳафталик, ойлик, чораклик иш режасидан иборат. Мисол учун, кунлик режа асосида раислар “еттилик” аъзолари давоматини юритиши, “Маҳалла бюджети”ни шакллантириш мақсадида солиқ қарзорлигини ундириш чораларини ташкил этиши, ҳудудда жамоатчилик назоратини амалга ошириши зарур.

БИР ОЙЛИК ТАДБИРЛАР РЕЖАСИ асосида турли маънавий-маърифий тадбирлар, спорт мусобақалари, учрашувлар, давра сўхбатлари ташкил этиш мумкин. Шунингдек, маҳаллада «еттилик» вазифалари, топшириқ ва ижро тизими, кадрлар масаласида ишлаш йўлга қўйилади.

“ЕТТИЛИК” МУАММОЛАРНИ ҚАНДАЙ ҲАЛ ЭТАДИ?



“Маҳалла еттилиги”нинг аҳоли муаммоларини ҳал этишда ўзаро ва ҳамкор ташкилотлар билан ишлаш тизими ишлаб чиқилди. Буни Андижон шаҳридаги “Янги Андижон” мисолида кўриб чиқамиз. Маҳаллада 854 та хонадон, 1 056 та оила мавжуд. Уларда 4 330 нафар аҳоли яшайди. Уларнинг 3 366 нафари меҳнатга лаёқатли, шунингдек, 4,2 гектар торморқа ери ва 3 та иссиқхона бор. Йиғинда “еттилик” вакиллари тўлиқ шакллантирилган. Мавжуд муаммолар ҳақида сўз борса, ҳудудда 65 нафар ишсиз фуқаро бор, 6 та жиноят содир этилган, 28 нафар профилактик ҳисобда турувчи ёшлар, 3 та нотинч оила бор. Ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар — 247 та, хорижга ишлашга кетганлар — 28 нафар, боқувчисини йўқотган оилалар — 13 та, таъмирталаб хонадонлар — 8 та, уй-жойга муҳтож оилалар — 20 тани ташкил этади. Хўш, мавжуд муаммоларни бартараф этишда “маҳалла еттилиги” қандай ишлайди?

Касаначилик ва хунармандчиликка жалб этади. Ёшлар етакчиси «Ёшлар бандлиги дастури» доирасида ишсиз ёшлар ва мактаб битирувчилари бандлигига қўмақлашади.

► **Хорижга ишлашга кетганларни қайтариш** борасида профилактика инспектори уларнинг рўйхатини шакллантиради ва оилалари билан манзилли ишларни ташкил этиш мақсадида «маҳалла еттилиги»нинг бошқа аъзоларига тақдим этади. Ёшлар етакчиси ҳар ойда камда бир мартаба хорижаёт ёш ватандошлар билан мулоқот қилади.

► **Жиноят содир этганлар, профилактик ҳисобда турувчилар ва нотинч оилалар билан ишлаш** борасида хотин-қизлар фаоли ҳар ойда бир мартаба жазони ижро этиш муассасаларидан қайтган ва ҳисобда турган хотин-қизлар хонадонидagi муаммони ўрганади, таъйиқ ва зўравонлик ҳолатларини аниқлайди, низоли оилаларнинг 5 тасини соғлом турмуш тарзига қайтаради. Профилактика инспектори жиноят содир этган шахслар ва ҳисобда турувчилар билан манзилли ишлашда мутасадди ташкилот ва идоралар вакиллари билан мулоқот қилади.

Ёшлар етакчиси ҳуқуқбузарлик содир этишга мойиллиги бўлган воёга етмаганлар билан тизимли, индивидуал иш олиб боради.

► **Уй-жой таъмири ва уй-жойга муҳтож оилалар билан ишлаш** борасида маҳалла раиси йиғинда «Обод кўча», «Обод хонадон», «Обод маҳалла» мезонларини жорий этади, ҳар ойда бир мартаба ҳашар уюштиради, камда 2 та эҳтиёжманд оила хонадонида ҳашар ташкил этади. Хотин-қизлар фаоли ҳар ойда камда 10 нафар оғир ижтимоий аҳволдаги хотин-қизларга ижтимоий-ҳуқуқий, психологик ва моддий ёрдам кўрсатиш чорасини кўради.

► **Ижтимоий ҳимояга муҳтож ва боқувчисини йўқотган оилаларга манзилли ёрдам кўрсатиш** борасида ижтимоий ходим оғир аҳволга тушган ва шундай хавф юқори бўлган шахслар ва оилаларни аниқлайди, уларга комплекс ёндашув асосида профессионал ижтимоий хизмат кўрсатиш ва ёрдамларни ташкил этади. Ҳоким ёрдамчиси, ёшлар етакчиси, хотин-қизлар фаоли ва ижтимоий ходим жисмоний шахсларни тегишли дафтарларга киритиш ва чиқариш ҳамда ижтимоий ёрдам кўрсатиш бўйича ҳужжатларни шакллантириб, «маҳалла еттилиги»нинг бошқа аъзоларига қўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш учун киритади.

► **Аҳоли мурожаатлари ва уларни ижобий ҳал этиш** борасида маҳалла раиси ҳар ойда камда 5 та давлат органлари вакиллари маҳалла Кенгашида ахборотини эшитади. «Маҳалла еттилиги» фаолиятига умумий раҳбарлик қилади, ҳар ҳафтада маҳалладаги “олтилик” ҳисоботини эшитади ва уларни ҳар бири ҳар ойда камда 10 тадан муаммоли масалаларни ҳал этишини назоратга олади. Ҳудудда қонунчилик ҳужжатлари ижроси устидан жамоатчилик назоратини ўрнатади, таълим, тиббиёт, спорт, савдо, хизмат кўрсатиш қоида-қоида этилишини назорат қилади, ҳар ҳафтада 1 мартаба ҳудуддаги ижтимоий соҳалар фаолиятини ўрганади.

Қишлоқдан шаҳарга бориб юрмайсиз...

Ҳамма хизматлар шу ерда кўрсатилади.

Гап шундаки, 2024-2025 йилларда маҳаллаларда давлат хизматларини агентлар кўрсатиши йўлга қўйилади. Қарор билан маҳаллаларда кўрсатиладиган 15 турдаги давлат хизматлари рўйхати тасдиқланди. Жумладан, эндиликда одамлар маҳалладан чиқмаган ҳолда, йғини идорасига келиб, пенсия микдори, иш стажини тасдиқлаш ҳақида архив маълумотномаларини олиши мумкин. Қолаверса, кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларга санаторийларда даволаниш учун йўланмалар бериш, манзил-маълумот ахборотларини тақдим этиш, коммунал соҳалар билан боғлиқ шартномалар тузиш, иш ҳақини тасдиқлаш, мавзули сўровлар тўғрисида маълумотнома олиш имконияти яратилади. Айтиш керакки, ушбу рўйхат тўлдириб борилади.

Давлатимиз раҳбари 2020 йил ноябрь ойда Қашқадарё вилоятига ташрифи чоғида аҳоли

лига янада қулайлик яратиш мақсадида “Қарши тажрибаси” асосида ҳар бир маҳаллада давлат хизматларини кўрсатиш бурчларини ташкил этиш ғояси илгари сурилган. Ташаббус доирасида Қарши шаҳридаги “Шайхали” шаҳарчаси ва “От-чопар” маҳалласида шундай бурчлар ташкил этилган. Кейинчалик бу тажриба республиканинг қатор вилоятларидаги маҳаллаларда йўлга қўйилди.

Хўш, тажриба ўзини оқладими? “Шайхали” шаҳар фуқаролар йиғини мисолида олсак, қундалик муаммолари билан мурожаат қилаётган аҳолига ортқича овозгарчиликсиз, югур-югурлар, навбатларсиз, қисқа фурсатларда юздан зиёд хизмат турлари кўрсатилмоқда. Фуқаролар, асосан, фарзандларини боғчага жойлаштириш, никоҳни қайд этиш, кадастр ҳужжатларини расмийлаштириш билан боғлиқ ҳолатлар бўйича муро-

жаат қилган. Айни жараёнда маҳалланинг ўзида Давлат хизматлари марказининг филиали, хизмат кўрсатиш бурчага ёки агентлар фаолиятини йўлга қўйилгани, фуқаролар уйдан узоқлашмасдан, шу ернинг ўзидаёқ ишларини битириб, кам-кўстини тўғирлаб, осонгина сарф-харжати, вақтини йўқотмасдан ҳал этиш имконини берапти.

Айтиш керакки, мазкур ташаббус нафақат давлат хизматлари олиш қўниқмасини ривожлантириш, балки аҳолини қийнаётган масалалар, ҳолатлар ҳақида хабардор бўлишга ёрдам бериши, яъни ўзига хос қайта алоқа ўрнатишга хизмат қилади. Қолаверса, тақлиф этилаётган хизмат турлари ва уларнинг сифати, қайси жиҳатларига кўпроқ эътибор бериш лозимлиги, қайси жараёни энгиллаштириш ёки бекор қилиш ҳақида айнан хизмат истеъмолчисидан фикр олиш имконияти бўлади. Давлат хизматлари “қийин ва мулақо тушунарсиз” жараён тоифасидан “оддий, қундалик одат” даражасига айланишига эришилади.

Бугун аҳоли орасида “сервис давлат” деган янги тушунча пайдо бўляпти. Яъни фуқароларга хизмат кўрсатиш вазифаси биринчи даражага чиқаяпти. Шундай экан, эндиликда давлат хизматларининг маҳалла даражасида кўрсатилиши, аксариятидан онлайн (mu.gov.uz орқали) фойдаланиш имконияти яратилгани фуқароларнинг давлатдан розилигига хизмат қилади.

Санжар ИСМАТОВ.



Давоми. Бошланиши 1-саҳифада.



Соғлиқни сақлаш вазирлигида **ДОРИЛАРНИНГ НОЖЎА ТАЪСИРИ** тўғрисида электрон база шакллантирилади.



Дори воситаларининг қонунийлигини «**ASL BELGISI**» мобил иловаси орқали текшириш мумкин.



Интеллектуал мулк соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун **ТОВОН ПУЛИ ТЎЛАШ** механизми жорий қилинади.



«Фоииз баландлиги боис кредит олиш қийин»

ТАКЛИФ

Ўтган даврда аҳоли бандлигини таъминлаш, уларни реал даромадга эга бўлишга кўмаклашши ва маҳаллада тадбиркорлик муҳитини янада ривожлантириш борасида салмоқли натижаларга эришилди.

Равшанбек АБАБЕКОВ, Эллиққалъа туманидаги «Қашқура» маҳалласи ҳоким ёрдамчиси.

Маҳалла аҳолисининг сони 6 810 нафар. 1 181 та хонадон бор. 2023 йилда «хонадонбай» юриш асосида ўтказилган хатловлар натижасида 1 586 та оила ўрганилди. Улар ижтимоий аҳолига кўра, тоифага бўлиб олинди. Шу асосида моддий ва маънавий кўмак кўрсатилди.

2022-2023 йилларда янги иш ўринлари яратиш мақсадида 32 та тадбиркорлик субъектлари ташкил этилди. 317 нафар фуқаронинг доимий бандлиги таъминланди, 271 нафар фуқаро ўзини ўзи банд қилишига эришилди. Худудимизда 1 та бўш турган объект – 9-мактабнинг эскирган биноси маҳаллий тадбиркорга ижара тўловларисиз фаолият юритиши учун берилган. Айна пайт шу бинони хусусийлаштириб бериш мақсадида аукцион савдосига чиқарилди.

Ўтган йилда 154 нафар талабгорга 3 миллиард сўмдан ортиқ кредит маблағи ажратилишига тавсия бердик. Бундан ташқари, 7 та юридик шахсга 464 миллион сўм маблағ ажратилди. Жисмоний ва юридик шахсларга жами 3 миллиард 900 миллион сўм кредит тақсимланди. Кооперация шаклида парранда гўшти қайта ишлашга ихтисослашган қорхона ташкил этилиб, 11 нафар фуқаронинг шартнома асосида бандлиги таъминланди.

Юқорида таъкидлаганимиздек, 1 181 та хонадоннинг ҳаммасида томорқа бор. Уларнинг 200 таси томорқа орқали ўзини ўзи банд қилган. 16 та хонадонга томорқадан самарали фойдаланиши учун иссиқхона олиб берилиб, 400 миллион сўм кредит ажратилди.

13 нафар фуқарога ўзини ўзи банд қилиши учун субсидия тақдим этилди. Субсидиянинг 1 таси хунарманд шогирд тайёрлаш учун, 2 таси қандолатчилик ва пишириқ пишириш йўналиши, 8 таси тикувчилик, 2 таси иссиқхона, 1 таси кооперация ташкил этишга йўналтирилди. 2022-2023 йилда жами 122 нафар фуқароларни касб-хунарга ўқитилиб, 116 нафар фуқарога 30 йилга ижара асосида ер берилди.

Аҳоли асосан боғдорчилик, чорвачилик, деҳқончилик, асаларичилик билан машғул. Бундан ташқари, маҳалла фаоллари ижтимоий кўмакка муҳтож хонадонлар ҳолидан мунтазам хабар олиб, уларни маънавий ва моддий қўллаб-қувватламоқда.

Шу ўринда фаолиятимда дуч келаётган айрим муаммолар хусусида таклифлар билдирмоқчиман. Маълумки, «Кичик бизнесни ривожлантириши молиявий ва институционал қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Президент қарорига кўра, кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш бўйича «узлуксиз хизматлар занжири» тизими яратилган. Шу асосда имтиёзли кредитлар ажратиш янада осонлашди. Аммо кредит фоиизи 18 фоиз этиб белгилангани учун талабгорлар мурожаат қилмаяпти. Таклифим – жисмоний шахсларга кредит фоиизини 14 фоизга тушириш керак. Шу кунгача маҳаллада бирорта тадбиркор 18 фоизлик кредит олишга ариза бермади.

Яна бир муаммо шуки, имтиёзли кредит учун берилган аризаларга нисбатан маҳаллага ажратилган лимит камайиб кетяпти. Масалан, бизнинг маҳаллага 2023 йилда 3 миллиард сўмдан кўп лимит ажратилган бўлса, жорий йил атига 1 миллиард сўм маблағ тақсимланди. Бу эса аҳоли сонига нисбатан жуда кам. Лимит миқдори камайиб кетгани сабабини билолмай хайронмиз. Чунки шу пайтгача олинган кредитлар мақсадли фойдаланиб келинган. Таклифим – имтиёзли кредит лимити аҳоли сони ва географик жойлашувига қараб тақсимланиши лозим.

Германия билан қўшма лойиҳалар муҳокама қилинди

ҲАМКОРЛИК

Маҳаллабай ишлан ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлигида Германия халқаро ҳамкорлик ташкилотининг «Ўзбекистон ҳудудларида иқтисодий ислохотлар ва иқтисодий бартарор ривожланишни қўллаб-қувватлаш» лойиҳаси раҳбари Беате Шорайт хоним билан учрашув бўлиб ўтди.

Унда агентлик ва халқаро ташкилот ўртасида Ўзбекистон ҳудудларида иқтисодий ислохотлар ва бартарор ривожланишни қўллаб-қувватлашга қаратилган қўшма ҳаракатлар режаси муҳокама қилинди.

Хусусан, 2024 йилнинг 1 сентябргача Шахрисабз тумани «Наврўз» маҳалласи ҳудудида-

ги Мираки насос станциясини тиклаш ва 13 км. узунликда металл қувур тортиш орқали фойдаланишга киритилган 500 гектар ер майдонида «кооператив» ва «агрегатор» тизимини ишга тушириш бўйича томонлар ўртасида музокаралар бўлиб ўтди.

Ушбу лойиҳани амалга оширишда, аввало, фермерлар ва ҳоким ёрдамчиларининг билим ва малакасини ошириш зарурлиги таъкидланди. Чунки, қишлоқ хўжалиги ва тадбиркорлик соҳасида органик маҳсулотларни етиштириш ва уни қаерга сота билиш махсус тажрибани талаб этади. Учрашувда Президент ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси билан биргаликда ҳудудлар иқтисодий ривожлантириш мастер режалари бўйича ҳоким ёрдамчиларини ўқитиш ва малакаларини ошириш белгиланди. Шунингдек, Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги директорининг биринчи ўринбосари Мухтор Шо-

назаров ва Ханнс Зайдел жамғармасининг Марказий Осиё бўйича ваколатхонаси раҳбари доктор Макс Георг Маер билан учрашувда ўзаро ҳамкорлик алоқаларини янада кенгайтириш бўйича келишиб олинди. Меҳмонларга Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси ҳамда Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлигининг функционал вазифалари таништирилди.

Ўзбекистон ва Германия экспертларини жалб қилган ҳолда «Ўзбекистонда маҳаллалар: кеча-бугун-эртага» мавзусида тадқиқотлар ўтказиш, маҳаллалардаги ўзини ўзи бошқариш хўжалиқлари бўйича жамғарманинг Бавариядаги фаолияти намунасида қўлланма ва Германия тажрибаси асосидаги ўқув адабиётларини ўзбек тилида тақдим этиш ҳамда «Маҳалла етилиги»нинг малакасини ошириш бўйича ўқув-семинарларини ташкил этишга қаратилган қўшма лойиҳалар муҳокама қилинди.



БУГУНИНГ ГАПИ

Хусусий таълим ташкилоти тугатилди.

ТАЛАБАЛАР ТАҚДИРИ НИМА БЎЛАДИ?

Мақсадбек ФАЙЗ.

Давлат олий таълим муассасалари билан бирга подавлат олий таълим муассасалари фаолияти йўлга қўйилгани шубҳасиз, тизимда ўзинга хос рақобат яради. Ўтган давр мобайнида бу борада тажриба тўпланди, ютуқларга эришилди.

Таълим муассасаларининг хусусийлашуви талабгорлар учун бир қанча имкониятлар эшигини очди. Шу билан бирга хусусий олий таълим муассасалари олдида муайян талаблар бор. Жумладан, лицензия талабига кўра, ҳисоб рақамида 150 минг АҚШ доллари ёки шу миқдор эквивалентидаги маблағ, камида 60 та компьютер техникаси билан жиҳозланган электрон кутубхона, камида 20 та компьютер техникаси, сканер ва нусха кўчириш аппарати билан жиҳозланган ахборот-ресурс маркази мавжуд бўлиши лозим.

Бундан ташқари, таълим олувчиларнинг ҳар бир фандан ўқув адабиётлари (дарсликлар, ўқув қўлланмалари) билан таъминланган бўлиши лозим. Бунда бакалаврият босқичида – ҳар 6 нафар таълим олувчига 1 дона, магистратура босқичида – ҳар 2 нафар таълим олувчига 1 дона ўқув адабиёти белгиланган. Лаборатория ишлари ва курс лойиҳалари учун ҳар бир таълим олувчи 1 дона методик ўқув қўлланма, 100 фоиз электрон дарслик ва бошқа ўқув материалларига эга бўлиши шарт.

Хусусий олий таълим ташкилоти шу каби қатор талабларни бажарган бўлиши назарда тутилади. Қолаверса, олий таълим муассасалари хорижий ҳамкорлик масаласини яхши йўлга қўйиши керак. Бу орқали талабаларга яхши ижодий имконият яратилади, ҳам иш билан таъминлаш масаласи ҳал қилинади.

Аммо шולי қурмаксиз бўлмаганидек, айрим подавлат олий таълим ташкилотларида фақат моддий манфаат устунлиги кузатиламоқда. Хатто шартнома пулни тўлаган номзод талабалikka қабул қилиниши одатий ҳолга айланган. Бу йигит-қизлар эртага қандай мутахассис бўлиб чиқади, жамиятга фойда қилтирадики, кадрлар бозорига рақобатлаша оладими, деган саволлар масъулларни ўйлантирмаяпти.

Бугун иқтисодий талабалар саралаб олинмаса ва сифатли таълим берилмаса, ўша сифатсиз кадрлар эртага яна ишлаб чиқаришга боради. Ваҳоланки, хусусий ва давлат олий таълим муассасалари дипломи тенг кучга эга. Яъни, лицензия асосида ишлаётган хусусий таълим муассасаларининг дипломи Ўзбекистондан тан олинмаган таълим ҳужжати ҳисобланади. Демак, хусусий олий таълим муассасалари ўз олдидаги улкан масъулиятни ҳис этиши керак. Акс ҳолда уларнинг фаолияти қонун доирасида тўхатилиши белгиланган.

Яқинда Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ўрганишлари давомида айрим хусусий таълим муассасаларида ўқитиш жараёнини ташкил этиш ва лицензия талаблари бузилганлик ҳолатлари аниқланди. Натижаларга кўра, ҳозирга қадар 6 та подавлат олий таълим ташкилотининг тегишли лицензиясини бекор қилиш бўйича судга даъво аризалари киритилган. Шундан 5 тасининг тегишли лицензиялари суд қарорига кўра бекор қилинган бўлса, 1 та подавлат олий таълим ташкилотининг лицензиясини бекор қилиш бўйича суд жараёни давом этмоқда.

Ҳозирда Valley innovative university, Туркистон янги инновациялар университети, Тошкент технологиялар университети, Наманган халқаро университети, Урганч шаҳридаги Vinagu халқаро университетининг лицензияси бекор қилинган.

Ўтган йили мана шу 5 та подавлат олий таълим ташкилоти орасидаги Наманган халқаро университети билан боғлиқ жараёнда шахсан қатнашганим. Ачинарлиси, университет лицензияси бекор қилинса-да, ташкилот талаблар қабулини давом эттириверган.

Хўш, энди бу таълим муассасалари талабалари тақдирини нима бўлади? Кўнчилик ота-оналарни шу савол хавотирга солмоқда. Масалага ойдинлик киритиш учун Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигига мурожаат қилдик.

Вазирлик ахборот хизмати раҳбари Назокат Азим берган маълумотга кўра, 2023 йил 3 июлдаги «Маъмурий ислохотлар доирасида олий таълим, фан ва инновациялар соҳасида давлат бошқарувини самарали ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Президент қарорига лицензияси бекор қилинган таълим ташкилоти ёки ёпилган таълим дастурида тахсил олаётган талабаларга ўқитиш давлат ва подавлат таълим ташкилотларининг мос ва турдош таълим йўналишлари ва мутахассисликларига белгиланган тартибда кўчириш ҳуқуқи вазирликка берилган.

Шундан келиб чиқиб, бугунги кунга қадар суд жараёнлари тўлиқ якунланган ва лицензияси бекор қилинган олий таълим ташкилотлари – «Valley innovative university», Урганч шаҳридаги Бинари университетининг барча талабалари тегишли тартибда олий таълим ташкилотларига кўчирилган. Ҳозирда лицензияси бекор қилинган бошқа олий таълим ташкилотларининг талабаларини ўқитиш ишлари ташкил этилмоқда. Вазирлик лицензияси бекор қилинган олий таълим ташкилотларининг бирор-бир талабаси кўчада қолмаслигини маълум қилади. Барча талабаларнинг аризасига асосан ўқитиш белгиланган тартибда бошқа таълим муассасаларига кўчирилиши таъминланади.



Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорига мувофиқ, эндиликда аёллар йўловчи автобусларни бошқариши мумкин.



Ўзбекистон МОЛ ГЎШТИ кўп истеъмол қилинадиган мамлакатлар рейтингига олтинчи ўринни эгаллади.



Ўзбекистонни Қирғизистон билан боғловчи яна бир ЧЕГАРА ПОСТИ очилади.

«МОТИВАТОР», «ПСИХОЛОГ»лар

ФАОЛИЯТИНИ КИМ ТАРТИБГА СОЛАДИ?

Ёшлар етакчилари ҳарбий ўқув машғулотларида

ЯНГИЛИК

Ўзбекистон Президенти раҳбарлигида ўтказилган Ҳавфсизлик кенгашининг кенгайтирилган йиғилишида ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва бандлигини таъминлаш борасида қатор устувор вазифалар белгилаб берилган эди.

Шу муносабат билан жорий йилнинг 8-11 февраль кунлари «Янгилик» дала-ўқув майдонида жами 492 нафар Хоразм вилоятининг маҳалла ёшлар етакчиларига ҳарбий ўқув йиғин ўтказилди.

Ёшлар ишлари агентлиги, Шимолий-Ғарбий ҳарбий округ қўмондонлиги ва вилоят ҳокимлиги ташаббуси билан ўтказилган ўқув-услубий йиғинда, маҳаллалардаги ёшлар етакчиларига ҳарбий-ватанпарварлик туйғуларини янада кучайтириш, уларни мамлакатимиз Куролли кучларидаги ислохотлар билан яқиндан таништириш ҳамда Мудофаа вазирлиги тасарруфидоги Олий ҳарбий билим юртлири ҳақида батафсил тушунчалар берилди.



Устозлар, мураббийлар, илм эгаларининг берган билими, меҳнатини бирор нарсага тенглаштириб бўлмайди. Лекин, минг афсус, бугун ижтимоий тармоқларда 2-3 та китобни ўқиб-ўқимай, ўзини "профессионал коуч", "мураббий", "психолог" сифатида кўрсатишга уринаётган чаласавод "пойгачи"лар кўпайиб кетди.

ФИКР

Бугун Интернет бозорига ўз хизматини таклиф этаётган бизнес-тренер ва психологлар ёмғирдан кейинги кўзқориндек кўнаиб кетгани сир эмас.

Афсуски, уларнинг орасида одамларни йўқ нарсага ишонтириш ёки бир кунда 100 доллардан топиб, 30 кунда бойиб кетиш каби хом-хаёлларни ўргатиш билан машғуллар учрайди.

Биз бу мақолада ўз соҳасида ўқиб, йиллаб тажриба тўплаган мутахассисларнинг танқид нишонига айлантирмоқчи эмасмиз. Аксинча, ўзи табиғат муҳтож "табиб" ва инфобизнесменларга эътибор қаратмоқчимиз.

Сўнгги йилларда интернетдаги бизнес-тренер, коучлар ва психологларнинг фаолияти шунчалар кенг оммалашдики, одамлар қайсиниси сохта, қай бири ҳақиқийлигини фарқлай олмай қолди. Қонуларимизда ҳам бу чегара белгиланмагани "ишбилармон"лар тегирмонига сув пурқаб турибди.

Биз "Mahalla" газетасида бу мавзунини кўп бора муҳокама қилганмиз. Лекин соҳа аниқ қонулар билан тартибга солинмагани натижани мавҳумлаштириб юбораверган. Ниҳоят, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси

депутатлари бизнес-тренерлар, сохта психологлар хусусида фикр билдиришибди.

Уларга кўра, бу "пойгачи"лар фаолиятини тартибга соладиган қонуларни қабул қилиш фурсати келган. Жумладан, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Шаҳноза Холмаҳмадованинг фикрича, устозлар, мураббийлар, илм эгаларининг билими, меҳнати беназар. Лекин, минг афсус, бугун ижтимоий тармоқларда 2-3 та китобни ўқиб-ўқимай, ўзини "профессионал коуч", "мураббий", "психолог" сифатида кўрсатишга уринаётган чаласавод "пойгачи"лар кўпайиб кетди. Бир томондан, билганини бошқаларга ўргатишга бел боғлаган ўз ишининг усталари кўпаяётганидан қувонсак, уларнинг номига доғ тушираётган сохта тренерлар учраб тургани барчамизни ўйлантириши керак.

Шу ўринда депутат ажойиб ўхшатиш келтирган. Мисол учун, хусусий олий таълим муассасаси ташкил этилишидан олдин тегишли вазирлик ва идораларга ўқувчи ёки талабага қандай дарс ўтилиши, таълим дастурлари, методологиялари, қимлар дарс ўтиши ва ҳоказо маълумотлар тақдим этилади. Шу тариқа уларга махсус лицензия берилди ёки аризаси рад этилади. Аммо қонунчилигимизда интернетдаги "коуч", "психолог" фаолиятини тартибга соладиган меъёр йўқ. Нотариус, адвокат, риелтор ва бошқа турли-туман касб эгалари учун қонуларда аниқ талаблар белгиланган пайтда, инсоннинг энг нозик жиҳати бўлган қалби, онги билан ишлаётган, уни дово-лайман деб иддао қилаётган шахслар ма-лакасига нимага қонуний талаблар жорий қилинмаслиги керак?!



Жуда ўринли фикр ва савол. Ахир бундай шахслар одамлар оғинга зарарли ва захарли, бузғунчи тояларни снцдириши мумкин-ку?! Бунда қандай йўл тутилади? Ёки ҳеч қандай қийматга эга бўлмаган маълумотлар билан содда одамларни алдаб юргани аниқланса-чи?

Демак, ҳулоса битта. Бу саволларга узил-кесил жавоб топиш учун истеъмолчилар ҳуқуқ ва манфаатларининг ҳимоя қилини мақсадда "мотиватор", "психолог"лар фаолиятини тартибга солишга қаратилган қонун ҳужжатларини ишлаб чиқиши керак.

Мақсадбек ФАЙЗ.

Олий Мажлис депутати Гулруҳ Аъзамова ҳалқимизни алдаб пулини умараётган, фарзандларимиз онгини захарлаётган сохта психолог-тренерлар фаолиятига тўхта-лади. Бу соҳа ўта эътибор талаб ва долзарб. Чунки психолог фаолият инсон руҳияти ва соғлиғига бевосита таъсир ўтказа олиши сабабли бугун дунёда мазкур фаолият билан шуғулланувчи шахслардан муайян билим, малака ва тажриба талаб қилинади.

Бироқ, юртимизда сўнгги йилларда психолог хизматига талаб ошиши натижасида малакали психологлар билан бир қаторда 2-3 ойлик ўқув курсларини тугатиб фаолият юритаётган сохта "психологлар" сони ошмоқда. Улар психолог янги ижтимоий фойдаланиш воситасига эмас, балки даромад топиш, яъни ўз шахсий манфаатлари йўлида бизнес қилиш воситасига айлантирмоқда.

Аҳолининг ишонувчанлигидан фойдаланган ҳолда ижтимоий ҳаётдаги оғриқли нуқталарни юзага чиқариш ва муҳокама қилиш орқали уларни жамиятдаги муайян жараёнларга фикрини тубдан ўзгартириб, манипуляция қилишмоқда. Ана шу сохта психологлар иштирокидаги тренингларда ҳатто, нозик мавзу ҳисобланган "жинсий тарбия" ниқоби остида турли контентлар орқали аҳоли, аynикса ёшлар орасида ахлоқий бузуқлик одатий турмуш тарзидек кўрсатилмоқда.

Бу каби масалалар Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатларини ташвишга соладики яқин кунларда мазкур соҳалар ҳуқуқий томондан тўлиқ тартибга солинишига, соҳадаги субъектларнинг мақоми, ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгилалишига умид уйғотади.

2023 йил натижасини сарҳисоб қилишди

"Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили"да Ёшлар билан ишлашнинг комплекс чора-тадбирларини белгилаш, ёшлар сиёсатида янги самарали бошқарув тизимини йўлга қўйиш, маҳаллаларда ёшлар билан индивидуал ишлаш, ёшлар етакчилари фаолияти самарадорлигини ўрганиш ва натижадорлигини ошириш мақсадида Тошкент вилоятида жойлашган "Ёшлар оромгоҳи"да Агентликнинг вилоят бошқармаси ва туман(шаҳар) бўлим масъуллари учун ўқув-семинар ўтказилди.

Ўқув-семинар давомида амалиётдаги муаммолар ва уларнинг ечимлари, бу йилдаги янги лойиҳалар, ёшларга яратилган имкониятлар юзасидан ҳар бир йўналиш масъуллари тренинглар, давра суҳбатлари ва очик мулоқотлар ўтказди. Семинар якунида худудларда 2023 йилда амалга оширилган ишлар сарҳисоби тинланди ҳамда 2024 йилдаги устувор режалари бўйича тақдимотлари билан танишилди.

“Тайёр маҳсулотни қайта ишласак, ишсизлик камаярди”



27 ёшли Алиакбар Жалиловнинг томорқасига 3 сотихлик иссиқхона қурилган.

“Тадбиркор” деганда даромад топиш мақсадида масъулиятини зиммасига олган ҳолда, жамиятга фойда келтирувчи бирор-бир иқтисодий фаолият билан шуғулланадиган шахс тушунилади. Туманимизда эл манфаати учун меҳнат қилаётган шундай инсонлар кам эмас.

Вилоят ҳокимлиги ташаббуси билан улар маҳаллаларга бириктирилиб, “лидер тадбиркор” сифатида иссиқхона йўналишини ривожлантирмоқда. Кооперация шаклида қурилган иссиқхона эгаси ойма-ой маош билан таъминланади. 3 йилдан сўнг иссиқхона хонадон эгаси ихтиёрида қолади.

Маҳалламизга бириктирилган лидер тадбиркор Ойбек Каримов кўмағида 30 нафар кам таъминланган, эҳтиёжманд оила вакилларининг шу тарзда бандлиги таъминланди. Улар орасида 6 нафар “Ёшлар дафтари”га киритилган йигит-қиз бор. Масалан, 27 ёшли Алиакбар Жалиловнинг томорқасига 3 сотихлик иссиқхона қурилган. Бу йигит ёш бўлишига қарамадан зиммасига катта масъулият ортган. Оиласига ёрдам бериш, моддий ахволини янада яхшилаш учун шу кунгача хорижда ишларди.

Ёшларга яратилган имконият ва имтиёзлар унга ғайрат-шижоат бағишлади. Мурожатига асосан, юқорида таъкидлаганимиздек, 3 сотих ерда “лидер тадбиркор” орқали иссиқхона қуриш таклифи берилди. Лойиҳанинг афзаллиги, 3 йил давомида иссиқхонада экинларнинг уруғларини, ерга ишлатиладиган дори-ўғитларини бепул таъминланди. Бу давр мобайнида қилинган меҳнат эвазига ҳар ойда 2-2,5 миллион сўмдан ортиқ иш ҳақи тўлаб берилади. Эътибор қилган бўлсангиз, ёшлар деҳқончилик сир-асрорларини мукамал ўрганади, ойлик маош билан таъминланади, камига уч

ТАЖРИБА



Лойиҳанинг афзаллиги, 3 йил давомида иссиқхонада экинларнинг уруғларини, ерга ишлатиладиган дори-ўғитларини бепул таъминланди.

йилдан сўнг иссиқхона текинга қолади. Алиакбар деҳқончиликдан ташқари чорвачилик ва паррандачилик билан шуғулланади. Шижоатини кўриб, оиласи ҳам ёрдамлашяпти. Чет элларда сарсон бўлиб ишлагандан кўра, ўз уйда деҳқончилик билан шуғулланаётгани, шунинг орқасидан тадбиркорлигини йўлга қўйгани, даромад топаётгани ота-онасини хурсанд қилмоқда.

Дастлаб иссиқхоналар қурилгач, маҳалладаги ёшларни томорқа маданиятига ўргатиш жараёнида дангасалик кайфиятига берилган, боқиманда хонадон эгалари билан алоҳида ишлашга тўғри келди. Уларни бу кайфиятдан чиқариш ҳамда иссиқхона харажатларини қисман қоплаш мақсадида нисбатан кам меҳнат талаб қиладиган экинлар экишга алоҳида эътибор берилди. Бу иссиқхоналар асосан “Ёшлар дафтари” рўйхатида киритилган маҳалладошларимиз хонадонларида қурилди. Агроном жалб этилиб, ёшларга экинларни парваришлаш ўргатилмоқда.

Бугунги кунда маҳаллада 14-30 ёшгача бўлган 852 нафар йигит-қиз истиқомат қилса, 2023 йилда уларнинг 37 нафари “Ёшлар дафтари”га киритилган. Шу кунга қадар барчаси дафтардан чиқарилди. 25 нафарига аукционда 15 сотихдан ер, 10 нафарига кредит ажратилди. 2 нафар ёшнинг контракт-тўлови, яна шунчасига сафарбарлик чакируви резервидаги ҳарбий хизматини ўташ учун пул бадали тўлаб берилди. Икки нафар ёшга субсидия

асосида пайвандлаш ускунаси, 3 нафарига тик-кув машинаси тарқатилди. Хуллас, маҳаллада бирорта ёш эътибордан четда эмас.

Уларнинг оилавий шароити мунтазам равишда ўрганилиб, тегишли тартибда ёрдам кўрсатилмоқда. Бўш вақтини мазмулли ўтказиш ва спорт билан шуғулланишини таъминлаш учун кўрик-танлов ва лойиҳалар, спорт мусобақалари ташкиллаш мунтазамлик касб этган.

Айтиш жоизки, “Юқори Таллимарон”да Алиакбардан ташқари яна кўплаб тадбиркор ёшлар бор. Жумладан, катта лимонзор ташкил қилган ва пенаблок қурилиш материални ишлаб чиқаришни йўлга қўйган ёш тадбиркорлар фаолияти эътирофга арзири.

Сезганингиздек, маҳалла деҳқончиликка ихтисослашган. Шу сабабли деҳқончилик учун ажратилаётган ер майдонларини янада кўпайтириш керак. Бундан ташқари, етиштирилган тайёр хомашёни қайта ишлаш корхонаси қурилса, ишсизлар бандлигини таъминлаш имконияти ортади. Чунки худудимизда бирорта ишлаб чиқариш корхонаси йўлга қўйилмаган. Навбатдаги таклифим — ёшларга ажратилаётган имтиёзли кредитни тўғридан-тўғри ёшлар етакчиси тавсияси билан берилса, самарадорлик ортарди.

Рустам БОЗОРОВ, Ангор туманидаги “Юқори Таллимарон” маҳалласи ёшлар етакчиси.



Маҳаллий ва хорижий инвесторларга берилган преференциялар ва имтиёзлар бўйича ЯГОНА РЕЕСТР юритилади.



Президент қарорига кўра, ИНФРАТУЗИЛМАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИНЖИНИРИНГ компанияси ташкил этилади.



Чорвачиликдаги лойиҳаларга 315 МИЛЛИОН ДОЛЛАР имтиёзли кредитлар ажратилади.

БИЛАСИЗМИ?

Даромад 100 млн. сўмдан ортиқса, қандай солиқ тўланади?

Дилдора ҲОШИМОВА,
Давлат солиқ қўмитаси ахборот хизмати раҳбари.

Солиқ кодексига киритилган ўзгаришларга кўра, эндиликда ўзини ўзи банд қилган шахсларнинг даромади 100 миллион сўмдан ортиқ, яъни тартибдаги тадбиркорлар учун белгиланган тартибда солиқ тўлашга ўтади. Ижтимоий солиқни ихтиёрий равишда тўлайди.

Бундай шахсларнинг даромадлари ташки манбалардан олинган маълумотлар асосида Солиқ қўмитаси маълумотлар базасида шакллантирилади. Улар 100 миллион сўмдан 1 миллиард сўмгача бўлган даромадлари учун айланмадан олинмаган солиқ (АОС) тўлайди.

Эслатма: Солиқ кодексининг 467-моддасида айланмадан олинмаган солиқ ставкалари ҳақида батафсил танишишигиз мумкин.

Масалан, жорий йилнинг январь ойида ўзини ўзи банд қилган шахсларнинг даромади 104 миллион сўмни ташкил этган. Бунда унинг 100 миллион сўм даромадига солиқ солинмайди. Қолган 4 миллион сўмдан (даромаднинг белгиланган меъёридан ошган қисми) 4 фоиз миқдорда АОС тўлайди (160 минг сўм).

Президентнинг 2022 йил 30 декабрдаги "Республика ҳудудларини тоифаларга ажратиб ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлашнинг табақалаштирилган тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони асосида 5-тоифага кирувчи ҳудудларда фаолият юритаётган ва даромади 100 миллион сўмдан ошган ўзини ўзи банд қилган шахслар АОСни 1 фоиз ставкада тўлайди.

Электрон савдо майдончасида товар (иш, хизмат)лар савдосини амалга оширувчи солиқ тўловчилар учун АОС ставкаси 2 фоиз миқдорда белгиланган. Шундан кейин чиқиб, товарларини электрон савдо майдончасида сотган ўзини ўзи банд қилган шахслар даромадининг 100 миллион сўмдан ошган қисмидан 2 фоиз ставкада АОС тўлайди.

Ўзини ўзи банд қилган шахсларнинг даромади 1 миллиард сўмдан ортиқ, улар ҚҚС ва фойда солиғини тўлашга ўтади.

Солиқ мобил иловасида ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида бепул ўтиш мумкин.



Фақат ИНТЕРНЕТ билан чеклаиб, илмни юзаки ўрганмасдан, болаларимизни китоб мутолаасига ҳам эътибор қаратсак, биз келажак пойдеворини яратган бўламиз.



МУЛОҲАЗА

Таълимда телефондан фойдаланишда чеклов бор, аммо бу етарли эмас..

» Маълумотларга кўра, бугунги кунда бутун дунёда 2 миллиард киши уяли алоқа воситасидан фойдаланади.

Шахноза ХОЛМАХАМАТОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

Маънавиятимизда аҳолининг мобил алоқа билан таъминланганлиги ҳолати ҳар 100 киши ҳисобига 75 бирликни ташкил этади. Эътиборлиси, мобил алоқалар ёшларнинг доимий ҳамроҳига айланиб улгурди.

Ҳозир смартфонлар, ҳатто болалар ўйинчоқлари ўрнини эгаллаб олган. Унинг афзаллиги билан бирга, салбий томонига эътибор қаратсак, юқоридаги кўрсаткичлар жиддий муаммоларга олиб келишини яхши аниглаймиз.

Мутахассисларнинг айтишича, мобил телефондан чиқаётган нур инсон саломатлиги учун хавfli ҳисобланади. Унинг чексиз имкониятларига ўрганиб қолиш, реал ҳаётдаги воқеаларга бефарқликка олиб келиши мумкин. Албатта, бугун замон тез ривожланмоқда, дунё ҳам, одамлар ҳам ўзгармоқда. Очиғи, бугун ҳаётимизни телефонсиз тасаввур қилиш қийин. Кўча-кўйда қайси ёшга қараманг, турли русумдаги уяли телефонларда гаплашаётганига гувоҳ бўласиз. Аммо уларнинг мобил телефондан фойдаланиш ҳолатлари нафақат саломатлигига таъсир қилиши, балки таълим сифатига ҳам жиддий зарар етказётгани ҳеч кимга сир эмас.

Масалан, телефоннинг салбий таъсири билан боғлиқ мия саратони болаларни ҳам четлаб ўтмапти. Агар бунга эътиборсиз қаралверса, яқин 10 йил ичида аҳвол янада оғирлашиши мумкин. Шифокорлар ўтказган таърибага кўра, мобил телефонлар болаларнинг организмга, бўйиннинг ўсишига, иммунитетига, диққатини жамлашига салбий таъсир кўрсатган. **Энг ёмони,** телефондаги ўйинларни узлуксиз ўйнаш оқибатида болаларда умуртка поғонасининг қийшайиши, кўз хасталиклари қузатилган.

Маълумки, қонунчилик ҳужжатлари билан техник тараққийetni инкор этмаган ҳолда мобил алоқалардан фойдаланиш маданиятини шакллантириш, таълим ташки-

лотларида телефонлардан фойдаланишни чеклаш бўйича мажбуриятлар белгиланган. Унга кўра, таълим ташкилотларида ходимлар ва ўқувчилар телефонларини овозсиз режимга қўйиш, дарс машғулотлари вақтида уяли алоқани учириб қўйиш керак.

Мазкур масала юзасидан хорижий давлатлар таърибасига эътибор қаратадиган бўлсак, кўплаб мамлакатларда телефондан фойдаланишда чекловлар ўрнатилган. Хусусан, **Франция, Испания ва Чехия давлатларида ўқувчилар учун телефондан фойдаланишда чекловлар бор.**

Хитой Халқ Республикасида ота-оналарнинг ёзма розилигисиз ўқувчилар мактабга телефон олиб келиши тақиқланган бўлса, **Жанубий Корея, Қозғоғистон ва Тожикистонда** мактабларда ўқувчиларнинг телефондан фойдаланиши қатъиян ман этилган.

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, алоқа воситалари чекланган мактабларда синов натижалари кўтарилган. Яъни, ўқувчиларнинг дарс жараёнида фаоллиги ошиб, бир-бири билан жонли мулоқот қилиб, фикр алмашиши сезиларли даражада яхшиланган.

Таассуфки, юртимизда кўпчилик ота-оналар болаларни телефондан фойдалани-

» **Мутахассислар телефондан фойдаланиш маданиятига эътибор қилмаслик, ундан узоқ муддат тинимсиз фойдаланиш инсонларнинг нафақат жисмоний, балки руҳий ҳолатига ҳам жиддий таъсир кўрсатаётгани, хотирани пасайиб, уйқусизлик, камҳаракатлилик каби ҳолатларга дучор қилаётгани ҳақида огоҳлантирмоқда.** «

шини қўллаб-қувватлайди. Ўқувчиларнинг хавфсизлиги, доимий ота-оналар билан боғланиш имконияти, смартфонлардаги камера, калкулятор, интернет каби қулайликлар сабабли улар телефонлар борасидаги чекловларни рад этишдади.

Ваҳоланки, мутахассислар телефондан фойдаланиш маданиятига эътибор қилмаслик, ундан узоқ муддат тинимсиз фойдаланиш инсонларнинг нафақат жисмоний, балки руҳий ҳолатига ҳам жиддий таъсир кўрсатаётгани, хотирани пасайиб, уйқу-

сизлик, камҳаракатлилик каби ҳолатларга дучор қилаётгани ҳақида огоҳлантирмоқда.

Фикри оғиримча, таълим ташкилотларида ўқувчиларнинг уяли алоқадан фойдаланишида фақатгина чекловларнинг ўзи етарли эмас. Овозсиз бўлса-да ўқувчининг ёнида телефон бўлиши, унинг ичидаги кўнгилочар ўйинлар, турли хил хабарлар ўқувчини ўзига махлиё қилиб, эътиборини тўлиқ дарс машғулотига қаратишига тўсқинлик қилади. Натижада ўқувчи билим олишдан чалғийди, бўш вақти бўлди, телефон билан овера бўлиб, қимматли вақти беҳуда ўтаётганини англамайди. Она ва депутат сифатида мактабларда ўқувчилар учун смартфонлардан фойдаланишни чеклаш бўйича қатъийроқ қадам қўйиш вақти келди, деб ўйлайман. Акс ҳолда оқибатлар аянчи бўлиши ҳам мумкин.

Шу нуқтаи назардан, бугун ҳар биримиз фарзанд тарбияси учун вақт ажратиб, уларни китоб ўқишга, илм олишга даъват этсак, фақат интернет билан чеклаиб, илмни юзаки ўрганмасдан, болаларимизни китоб мутолаасига жиддий эътибор қаратсак, биз келажак пойдеворини яратган бўламиз. Зеро, китоб – энг одил дўст, беёминнат муаллим, бебаҳо хазинадир. Китобга йўлдош инсон ҳаётнинг ҳар қандай синовини тафаккур билан енгиб ўта олади. Бошқача айтганда, мутолаа инсонни ҳамиша маънан юксалтирган.

Бундай халқнинг эртанги кунга ишончи ва бунёдкорлик, эзуликка интилиши кучли бўлади. Асосийси, тарбияли, маънавиятли инсон бугунги кун ва келажак ҳақида фикр юритади, истиқболдаги қаёт ва инсон раънақи учун ўз ҳиссасини қўшишга интилади.

Мулоҳазаларини Ўзбекистон Президентининг қуйидаги сўзлари билан яқунламоқчиман: "Мен ҳар доим ёшлар, таълим, билим-билим деб таъкидлайман. Билим "ўтда ёнмайди, сувда чўкмайди". Қанча кўп билим эгалласак, келажак бизники. Учунчи Ренессанс пойдеворини яратамиз деб ўзимизга ғоя олганмиз. Бу пойдеворни ким яратади? Фақат билимли ёшлар".



КИТОб - энг одил дўст, беёминнат муаллим, бебаҳо хазинадир.



СОЛИҚЧИ - КўМАКЧИ

339 нафар фуқаро бандлиги таъминланди

Нурали ҲОТАМОВ,
Тойлоқ туманидаги "Чорғобон" маҳалласи солиқ инспектори.

Самарқанд вилоятида солиқ хизмати ходимлари янгича ёндашувлар асосида солиқ базасини кенгайтириш чораларини кўрмоқда. Бунинг натижасида ўтган йил якунида жисмоний шахсларнинг мол-мулк ва ер солиқларидан тушумлар 1,7 бараварга ошди. Айланмадан олинмаган солиқ 147 фоизга, яъни тартибдаги тадбиркорларнинг қатъий белгиланган даромад солиғи тушумлари 157,3 фоизга ортган.

Ўзини ўзи банд қилган фуқаролар 225 870 нафарни, янгидан ташкил этилган ва фаолияти тикланган тадбиркорлар сони 8 912 тани ташкил этди. Паст қувватда ишлаётган ҳамда фаолиятини вақтинча тўхтатган субъектлардаги мавжуд имкониятларни ўрганган ҳолда фаолиятини тиклаш ва кенгайтиришга кўмаклашилмоқда. Қувонарлиси, аниқланган муаммоларнинг 75-80 фоизи маҳалланинг ўзида ҳал бўлмоқда.

Бугунги кунда "Чорғобон" маҳалласи ҳудудида 137

та юридик шахс, 166 та яқна тартибдаги тадбиркор, 339 нафар ўзини ўзи банд этган шахслар, 2 119 нафар мол-мулк ва ер солиғи тўловчи жисмоний шахслар ва 98 нафар декларация асосида солиқ тўловчилар мавжуд. Улар билан доимий мулоқот ўтказилиб, қонуний фаолият юритишнинг аҳамиятини тушунтирляпмиз.

Маҳаллаларга солиқ ходимларининг бириктирилиши ўз натижасини бермоқда. Жорий йилнинг январь ойида маҳаллада 6 та яқна тартибдаги тадбиркор, 2 та юридик корхона, февраль ойининг ўтган даврида 3 та яқна тартибдаги тадбиркор иш бошлади. Натижада 12 та янги иш ўрни яратилди.

Мақсадимиз, фуқароларга солиқ ҳақида ҳуқуқий тушунчалар бериб, тадбиркорлик фаолиятини қонунийлаштиришга, ўзини ўзи банд қилганларга кичик бизнес тоифасига ўтишга кўмаклашиш ҳамда паст қувватда ишлаётган ва фаолиятини вақтинча тўхтатган субъектларга фаолиятини тиклаш ва кенгайтиришга яқиндан ёрдам беришидир.

Самарқанд вилоятида 1126 та маҳаллага 397 нафар солиқ ходими бириктирилди.


- 11 та тадбиркорлик субъекти ташкил этилди.
- 12 та янги иш ўрни яратилди.



Халқаро табиатни муҳофаза қилиш иттифоқининг Марказий Осиёдаги БИРИНЧИ ОФИСИ очилди.



Ўзбекистонда Марказий Осиёдаги биринчи эко-университет — "GREEN UNIVERSITY" очилди.



"Оилавий тадбиркорлик" дастури доирасида балиқ боқиш учун гаровсиз кредит 100 МИЛЛИОН СЎМГАЧА оширилади.

БИЛАСИЗМИ?



«Инсон» ижтимоий хизматлар марказлари 12 тоифадаги фуқароларга хизмат кўрсатади

1. Ўзгалар парваршига муҳтож бўлган ёлғиз яшовчи ҳамда ёлғиз кексалар ва ногиронлиги бўлган шахслар;
2. Ногиронлиги бўлган шахслар, оғир касалликка чалинганлар, шунингдек, жисмоний, ақлий, сенсор ёки руҳий нуқсонлари бўлган ҳамда узоқ вақт даволанишга муҳтож бўлган болалар;
3. Тазйик ва зўравонликка учраган хотин-қизлар ва уларнинг вояга етмаган фарзандлари;
4. Кам таъминланган оилалар;
5. Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган ҳамда тўлиқ бўлмаган оилалардаги болалар;
6. Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этилмасдан фарзандлари олиб кетилган ота-оналар;
7. Вояга етмаган (18 ёшгача бўлган) оналар ва оталар;
8. Ота-онаси хорижий давлатларга кетган, шу жумладан ташқи меҳнат миграциясига кетган болалар;
9. Муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахслар;
10. Ота-она қарамоғисиз, қаровсиз ва назоратсиз қолиб кетган болалар;
11. Озодликдан маҳрум этиш жазосини ўтаб бўлган фуқаролар;
12. Техноген, табиий ва экологик тусдаги фавқулоддаги вазиятлардан жабрланган шахслар.

Шилқимликнинг жазоси ҳеч ширин бўлмайди



Қонунчиликка кўра, шахвоний шилқимлик қилиш, яъни шахсга нисбатан унинг учун номақбул бўлган ҳамда унинг шаъни ва қадр-қимматини таҳқирлайдиган, шахсининг ташқи қиёфасини ёки қадди-қоматини тавсифлашда, имо-ишора қилишда, тегинишда, чақиринишда ифодаланган, шахвоний хусусиятга эга бўлган ҳаракатларни бир марта кўпол равишда ёки бир неча марта содир этиш кўйидаги жазо чораларидан бири қўлланилишига сабаб бўлади.

— БХМнинг 2 бараваридан 5 бараваригача (680 минг сўмдан 1 млн. 700 минг сўмгача) миқдорда жазима;
— 5 суткагача мuddатга маъмурий қamoқ.

УНУТМАНГ, ҚОНУНИ БИЛМАСЛИК ЖАВОБГАРЛИКДАН ОЗОД ҚИЛМАЙДИ.

Муҳтож инсонга кўмак — инсонийликдан дарак

ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ



"Инсон" ижтимоий хизматлар марказларидаги ходимлар ҳар бир хонадон аҳолини ўрганиб, оилалардаги ҳақиқий ҳолатни ҳамда уларнинг ижтимоий хизматлар ва ёрдамга бўлган эҳтиёжини аниқламоқда.

ногиронлиги бўлган шахслар сони 101 632 нафарни ташкил этади. Уларнинг 8 340 нафарига меҳнатга лаёқатлилик бўйича тавсиялар берилди. 807 нафарининг бандлиги таъминланди. 1 293 киши касбга йўналтирилди. 3 879 нафар тавсия асосида параспорт ўйинларига жалб этилди. 2 056 нафар болалар алоҳида таълим турлари бўйича (инклюзив, яқка тартибда уйда ва бошқалар) ўқитиляпти.

Имконияти чекланган 3 255 кишига реабилитация қилишнинг техник воситалари берилган бўлса, 465 нафар фуқарога 630 та протез ортопедия мосламалари етказилди. Бу кимнингдир эркин ҳаракати қилишига ёрдам берса, яна кимгадир ўзгалар ёрдамига бўлган эҳтиёжини қамайтиради. Қарабсизки, ҳаётдаги янги имконият уларнинг руҳиятини ва кайфиятини кўтаришга хизмат қилади.

Фаолиятимиз давомида 6 538 нафар вояга етмаган болалар ижтимоий ҳимояга муҳтожлиги сабабли назоратга олинди. Хусусан, васийлик ва ҳомийлик тайинланган, чин етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар ҳамда тўлиқ бўлмаган оилада ўсаётган болалар билан тизимли ишлар олиб борилмоқда. Имкон қадар васий ва ҳомий тайинланмаган ота-она қарамоғисиз қолган болаларни аниқлаб, уларнинг яшаш шароитини яхшилаш учун ҳаракат қилияпти.

Тазйик ва зўравонлик ҳолатлари бўйича аёлларни реабилитация қилиш марказларида (1146/марказига) 711 та муружаат қайд этилган. Шулардан 1 751 нафар аёлга ҳимоя ордери берилди.

Хўжаҳон ФАЗЛИДДИНОВ,
Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги Самарқанд вилояти бошқармаси матбуот котиби.

Бугун фуқароларнинг ижтимоий ҳимояси ва уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш масаласига катта эътибор қаратилмоқда. Тизимни янада ривожлантириш мақсадида қабул қилинаётган қатор қонун ҳужжатлари мисолида буни яққол кўришимиз мумкин. Шунга мувофиқ, аҳолини манзилли ҳимоя қилишнинг асосий йўналишлари белгилаб олинган.

Унга кўра, комплекс ёндашув асосида профессионал ижтимоий ҳимоя тизимини жорий қилиш, самарадорлик ва манзиллиликни ошириш орқали аҳолининг кўмакка

муҳтож қатлами ижтимоийлашувини таъминлаш, ижтимоий ҳимояни маҳалла даражасига ташкил этиш, оғир ҳаётини аҳолига тушиб қолган аҳолига индивидуал ёндашувга мувофиқ хизмат ва ёрдам кўрсатишни йўлга қўйиш назарда тутилган. Бундан ташқари, аҳолининг ижтимоий суғурта механизмлари билан қамраб олинишни кенгайтириш, хавф гуруҳларига тушиб қолган оилаларни аниқлаш ва хизмат кўрсатиш орқали уларнинг оғир аҳволга тушиб қолишининг олдини олиш, ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳаёт кечириши учун

Тазйик ва Зўравонлик ҳолатлари бўйича

аёлларни реабилитация қилиш марказларида (1146/марказига) 711 та муружаат қайд этилган. Шулардан 1 751 нафар аёлга ҳимоя ордери берилди.

кулай муҳит яратиб қабилар ҳам назарда тутилган.

"Инсон" ижтимоий хизматлар марказларидаги ходимлар ҳар бир хонадон аҳолини ўрганиб, оилалардаги ҳақиқий ҳолатни ҳамда уларнинг ижтимоий хизматлар ва ёрдамга бўлган эҳтиёжини аниқламоқда. Кўмакка муҳтож аҳоли билан кейс-менежмент усулида самарали ишлаб, улардан ижтимоий хизматлар ва ёрдам олиш бўйича буюртмалар қабул қилияпти. Заруратга қараб, масъул вазирлик ва идораларга йўналтиряпти. Самарқанд вилоятида

«КЎЗ»ларингиз кўп бўлмаса, жиноятчини тутиш қийин

ПРОФИЛАКТИКА ХУДУДИ

Дилмурод МАҲМУДОВ, Давлатобод туманидаги "Орзу" маҳалласи профилактика катта инспектори.

Маҳаллада 9 280 нафар аҳоли яшайди. Худудда 16 та кичик ишлаб чиқариш цехи, битта умумтаълим ва Президент мактаби, иккита боғча, турли савдо дўконлари, ошхона, масжид, кутубхона ва бошқа объектлар жойлашган. Аҳоли ва ижтимоий объектлардаги фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш бош мақсадимиз.

"Орзу" маҳалласига хизмат кўрсатувчи 8-сонли ички ишлар органи ҳуқуқ-тартибот масканида барча зарур шароитлар яратилиб, фаолият ва тажрибаси мамлакат миқёсида кенг оммалаштирилди. Маҳалла идораси билан бир бинода жойлашган ҳуқуқ-тартибот масканида профилактика инспекторидан ташқари, хотин-қизлар масалалари бўйича ва пробация инспекторлари, терговчи ва жиноят қидирув, йўл патруль, патруль-пост, миллий гвардия ходимларига хизмат хоналари ҳамда алоҳида дам олиш хонаси, шунингдек, сайёр суд ва йиғилиш ўтказадиган зал мавжуд. Энг муҳими, профилактика инспектори хизмат уйи шу ерда.

Туну кун хизматда бўлган патруль-пост ходимларига электромобиль, Миллий гвардия қўриқлаш хизмати ходимларига "Нексия-3" хизмат автомобилари берилган. Ана шундай зарур шароитлар яратилгани боис жиноятчилик йилдан-йилга камайиб борапти. Жорий йил бошидан буён бирорта ҳуқуқбузарлик қайд этилмади.

Маҳалланинг 12 та асосий кириш-чиқиш кўчаларига автомобиль рақамларини ва инсон юзини танийдиган махсус камералар ўрнатилган. Худди шундай камера маҳалланинг асосий дарвозасида янги ташкил этилган электрон кузатув назорат масканига ҳам қўйилди. Бу ерда "Фидокор ёшлар" гуруҳи аъзолари навбатчилик асосида ҳудудга қираётган



Давлатобод туманидаги "Орзу" маҳалласи профилактика катта инспектори, подполковник Дилмурод Маҳмудов "Намунали маҳалла ҳуқуқ-тартибот маскани" куриқ-танловининг Наманган вилояти босқичида 1-ўринни эгаллаб, республика босқичига йўлланма олди.

автомобиль ва нотаниш фуқароларни электрон рўйхатга киришиб боради. Кузатув камераларнинг барчаси профилактика инспектори хонасига интеграция қилинган.

Худудда жиноятчиликнинг барвақт олдини олиш учун мактабгача ва мактаб таълими муассасаларида, тадбиркорлик субъектларида мунтазам учрашув ва тушунтириш ишлари олиб борилмоқда. Мактаб ўқувчиларининг дарсга келиб-кейтишлари доимий назоратда. Мактаб атрофи, кириш-чиқиш йўлақлари ва айрим синфхоналардаги умумий ҳолатларни бевосита профилактика инспектори хонасида кузатиб бориш имконияти мавжуд.

Тунги вақтларда қорхона ва ташкилотларда ишлайдиган қоровуллар штати 3 тагача оширилиб, улар махсус кийим ва тунги ёриткичлар билан таъминланди. 800 та хонадон миллий гвардия қўриқлаш хизмати пултига уланди.

Хизмат фаолиятимиз давомида турли жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олди



олинмоқда. Масалан, ўтган йили бир оила келишмовчилиги сабаб, аёлнинг яқин қариндошлари унинг эрини "жазолаш" учун турли хил тигли буюмлар билан қуролланиб келаётган вақтида хабар топилди, катта бир жанжалнинг олди олинди. Яна бир мисол, "Нексия-3" русумли машина маҳалла худудидан ўтаётганда текширилганда қўшни Қирғизистон Республикасидан яширин йўллар орқали Тошкентга олиб кетилган гиёҳванд моддаси ушланиб қолинди. Агар ушбу модда ўтиб кетганида минг нафар ёшни заҳарлаш мумкин эди.

Бундан ташқари, гиёҳванд моддасини сақлаш, қиморхона ва фоҳишахона ташкил этиш, фирибгарлик ҳолатлари тезкор аниқлаб, ўз вақтида бартараф этилди. Буларнинг барчаси, биз, ҳуқуқ-тартибот ходимларига яратиб берилган шароитлар натижасидир. Мақсадимиз, барча ҳуқуқбузарликларга чек қўйиб, маҳаллани жиноятчиликдан холи ҳудудга айлантиришдир.



“Беш ташаббус олимпиадаси” спорт мусобақаларида қатнашиш учун РЎЙХАТДАН ЎТИШ бошланди.



“Странжа” халқаро турнирида ЎЗБЕКИСТОН БОКСЧИЛАРИ 6 та олтин, 2 та кумуш ва 6 та бронза медални қўлга киритди.



Қитъа чемпионатида Ўзбекистон оғир атлетикачилари 8 та олтин, 12 та кумуш ва 5 та бронза медаллар шодасига эга қилди.

САЛОМАТЛИК



Шифокор маслаҳатисиз доридан фойдаланманг!

“Док-1 Макс” ва “Амбронол” дори воситалари эҳтиёткор бўлишни яна бир бор кўрсатди.

Равшан АБДУЛЛАЕВ, Фармацевтика маҳсулотлари хавфсизлиги маркази етакчи мутахассиси.

Саломатлик — энг буюк неъмат. Уни асарав-авайлаш учун, биринчи навбатда, истеъмол қилинаётган маҳсулотлар ва дори воситаларига алоҳида эътибор бериш талаб этилади. Баъзи ота-оналар фарзанди шамоллаб қолса, дарҳол дориҳонага югуриб, ўзбошимчалик билан боласига антибиотик ёки бошқа турли препаратларни берибди. Тиббиётдан яхши хабардор бўлмаган қўшнисини қақриб, анальгин, димедрол, новокаин аралашмасини иситма туширишда қўллайдди.

Ваҳоланки, ҳар бир дори воситасидан фойдаланиш йўриқномаси ва қўллаш мумкин бўлмаган ҳолатлар мавжуд. Препаратларни қабул қилиш вақти ва дозаларини шифокор белгилиб бериши шарт. Афсуски, бу талабларга тўлиқ амал қилинмаслиги беморларнинг умумий ҳолати янада оғирлашишига олиб келади. Айниқса, парентерал, мушак ва вена ичига юбориладиган антибактериал дориларни ҳеч қачон уй шароитида қабул қилиш мумкин эмас! Шунингдек, дориҳона мутахассиси тавсияси билангина харид қилинган препаратлардан ҳам шифокор маслаҳатисиз фойдаланмаслик керак.

Юртимизда “Док-1 Макс” ва “Амбронол” дори воситалари оқибатида болалар ўлими юз бериши бу борада эҳтиёткорлик, шифокор тавсияси нақадар муҳим эканлигини яна бир бор кўрсатди.

Оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқлар орқали такрор-такрор оғохлантирилишига қарамай, баъзи ота-оналар томонидан уй шароитида хануз дорилардан ўз билганича фойдаланиш ҳолатлари учраётгани афсусландирди.

Аслида дориларнинг рецепт асосида ва рецептсиз бериладиган турлари бор. Биринчи турдаги препаратлар учун, албатта, шифокор рецепти талаб этилади. Улардан тиббиёт ходимининг тавсияси билангина фойдаланиш ва уй шароитида сақлаш мумкин.

Шифокор тавсия қилган жароҳатга қарши, иситма туширувчи, оғриқ қолдирувчи дориларнинг рецептсиз бериладиган турлари эса албатта, “хонадон дори қутиси”да бўлиши мақсадга мувофиқ.

Бундан ташқари, ҳар бир дори унинг йўриқномасида кўрсатилган ҳарорат ва муҳитда сақланиши шарт. Қолаверса, яроқлилик муддати ўтган дориларни ичиш ноҳўя таъсирлар ва оғир асоратларни келтириб чиқариши мумкин. Агар доридан заҳарланиш ҳолати кузатилса, зудлик билан шифокорга мурожаат қилиш керак. Чунки бу ҳолат, буйрак, жигар, ўпка, юрак фаолиятига салбий таъсир кўрсатиб, ҳатто ўлимга олиб келиши мумкин.

Шундай экан, юртдошларимиздан уй шароитида даволанмаслик, «хонадон дори қутиси»даги препаратларни сақлаш қоидаларига қатъий риоя қилиш ҳамда муддати ўтган дорилардан фойдаланмасликни сўраймиз.



МУЛОҲАЗА



Соҳиба ЗОҲИДОВА, Тўрақўрғон туманидаги “Куймозор” маҳалласи хотин-қизлар фаоли.

Маънавий муҳитдаги энг катта муаммо — МУТОЛААСИЗЛИКДИР

Биринчи навбатда, маҳалла ва маҳалла идораларида кутубхоналар ташкил этиш керак.

Йил бошидан Наманган давлат чет тиллари институти билан ҳамкорликда “Китобхон она — китобхон бола” тадбирини ташкил этдик. Бу ташаббус айнан оналарнинг ўзидан чиққани бизни жуда хурсанд қилди. 12 нафар она ва болалар Намангандаги “Ўзбекистон ёшлар зиё маскани”га саёҳат уюштиришди. Улар кутубхона тарихи ҳақида ўзларини қизиқтирган саволларига жавоб олишди. Оналар фарзандларига бадиий асарлардан парчалар ўқиб беришди. Ўқувчилар турли эртақлар асосида сахна кўринишлари қўйишди. Энг муҳими, ёшлар қалбида китобга муҳаббат уйғонди. Бу уларнинг келажиги учун мустақам пойдевор бўлишига ишончимиз комил. Бу тадбирни аънавий тарзда ҳар йили давом эттиришни ният қилдик.

Маҳалламиздаги аёлларнинг кўпчилиги ўқимишли. Доим ўз устида ишлаб, янги билим ва малака эгаллашга вақт топади. Рўзгор ишларидан ортиб, олий таълим муассасасида ўқиётган келинлар анчагина. Одамлар йилдан-йилга илм олишнинг аҳамияти нечоғли муҳим эканини тушуниб етишяпти.

Оилалар билан ишлаш жараёнида ўқимишли аёлларнинг фикрлаши, рўзгор тутими ва фарзанд тарбиясидаги зийраклиги яққол сезилади. Бирор масалани тушунтироқчи бўлсак, дарров мақсадимизни аниқлаб етди. Айниқса, миллий ва оилавий қадриятларни мустақамлаш бўйича олиб борилган чора-тадбирлар бундай оилаларда тез ва самарали натижа беради.

Маҳалламизда Гулёра Нурмухаммедова, Гулинонур Нейматуллаева, Моҳинон Нуруллоева каби фаол ва китобсевар қизлар кўп. Улар тадбир ва байрамларнинг фаол иштирок-

чиси, ғазал ва рубоийларни жуда ифодали ўқишади. Қолаверса, ўзлари кичик шеърлар машқ қилиб туришади. Гарчи ҳали 10-синф ўқувчиси бўлишига қарамай, олдига қўйган мақсад ва режалари улкан.

74 ёшни қаршилаган Мастураҳон ая Ориповани китобхон сифатида ҳаммага намуна қилиб кўрсатамиз. Турмуш ўртоғи билан бирга уйда ўқиган китобларини жамлаб борадиган жавон ташкил этган. Бундай муҳитда улғайган фарзандлар илмга ошно, барчаси олий маълумотли. Яқинда шу хонадонда ёш оила бекалари билан бирга китобхонлик бўйича учрашув ташкил этмоқчимиз.

Маҳалла идорамиздан турли масалаларда мурожаат қилиб келувчилар қадами сира узилмайди. Улар учун маҳсул китоб жавони ташкил этилган. 150 дан ортиқ бадиий асарлар ва психологик қўлланмалардан ҳамма бирдек фойдаланиши мумкин. Бундан ташқари, ота-оналар ишини битириб бўлгунга қадар, фарзандлари эртақ китобларни ўқиб, томоша қилиб ўтиришади. Майли-да, бу ҳам мутолага сари бир қадам демек.

Аслида худудимизга каттароқ бир кутубхона керак. Яқинда китоб дўкони очилган эди, негадир фаолияти тўхтаб қолди. Ҳозир кўпчилик китоб керак бўлса, мактаб кутубхонасига боришади. Ҳар ҳолда қидирган асарини излаб топишяпти.

Бундан буён идорамизда анчадан бери бўш турган бир хонада кутубхона ташкил этмоқчимиз. Бу ташаббус билан кизиқиб қолган 2-3 та оилалар уйдаги китобларидан берадиган бўлиши. Хонадонларни айланганимизда, савобли ишга ҳиссасини қўшадиганлар жуда кўп эканини кўриб жуда хурсанд бўлдик.

Китоб ўқиган одам билан гаплашсам, қалбим ёришади. Қайсидир саволимга жавоб топгандек бўламан. Назаримда, бугун жамиятни қийнаётган кўплаб муаммоларнинг ечими мутолаа билан боғлиқ. Шунинг учун доим маҳалламизда китобхонликни тарғиб қилишга ҳаракат қиламан.



Тақдирим: Биринчи навбатда, маҳалла ва маҳалла идораларида кутубхоналар ташкил этиш керак. Зиё масканларини ажратишларнинг олдини олиш ва оилаларни мустақамлаш мавзусидаги психологик қўлланмалар билан бийитиш зарур. Сабаби кўпчилик ёшлар ҳали оила қуришга тайёр эмас. Уларга шу тарзда йўл-йўриқ кўрсатиб, маслаҳат бериш мумкин. Бу усул вақт ўтиши билан, албатта, ўзининг ижобий натижасини кўрсатади.

ФИКР

Дориларни эмас, соғлом турмуш тарзини реклама қилинг

Ижтимоий тармоқларда “Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясида хоржий фильмларга чекловлар ўрнатилмоқда”, мазмундаги хабар кенг муҳокамаларга сабаб бўлмоқда. Фикрлар, қарашлар турли хил.

Мақсадбек ҚўЧҚОРОВ.

Кимдир бизнинг “бузилиб” кетишимизга сабаби бўлаётган хоржий сериалларни тўхтаиб, санъат даражасидаги киноларни бериш керак деса, баъзилар ўзимизнинг сериаллар ҳоржий кинолардан “ўтиб” кетаётганини билдиришмоқда. Айримлар телеканалларни “стериллаш” керак бўлса, дастлаб жамиятимизга, миллий тафаккуримизга зиён етказаятган хоржий телеканаллар эфирини чеклашни айтишмоқда.

Албатта, бу масалаларни тегишли мутахассислар ташкилот вакиллари жиддий ўйлаб кўриши керак. Бизнингча, телеканалларда маълум чекловлар ўрнатилиши лозим бўлса, аввало, дорилар рекламасини тақиқлаш керак. Чунки йиллар давомида телеканалларда тинимсиз айлантирилган дорилар рекламаси кенг оммани “ғиёҳанд” қилиб кўйди. Шамолласа, боши оғригача ёки йўтал тўтса, дарров дориҳонага югуриб, мўъжиза талқинида реклама қилинаётган дори воситаларини кўр-қуруна сотиб олиб, истеъмол қилмоқда.

Шифокор кўригидан ўтиб, аниқ ташхис асосида даволаниш эса ўзинича, юзинича даража бўлиб қолди. Натижада аҳолининг кенг қатлами тиббий маданият, табобат илми нима эканини унутиб қўйди. Поликлника ва шифохоналарда ҳақ талабоботи хоналари ва фитобарлар ташкил қилиш ўз ҳолига ташлаб қўйилди. Оқибатда фармацевтика соҳаси, айниқса, дориҳона очуш катта бизнесга айланиб кетди. Аксарият ёш авлод онгиде келажакда фармацевтика соҳасида ўқиб, дориҳона фармацевтика тағдиди қолман, деган “орзу”лар пайдо бўлган бор гап. Охир-оқибат ҳар қадамда кўзичориндаги дориҳоналар кўпайиб кетди.

Бу соҳа шу даражага етдики, фарм компаниялар шифокорлар билан тил бириктириб, ўз дориларини беморларга ўтказиш йўллари топти. Бунинг натижасида шифокорларга маълум фоиз “чеғирма”лар ваъда қилинди. Оқибатда шифокорлар беморларга қайси дорини қаердаги дориҳонадан олишни ёки қайси клиникадаги аппаратдан текширувдан ўтиб келишни белгилаб берадиган бўлди.

Яқинда Президент ижтимоий соҳалар бўйича ўтказган селектор йиғилишида бу соҳага алоҳида тўхталиб, жиддий танқид қилди. Айниқса, дори воситаларидан фойдаланиш маданиятини юксалтириш ишлари сустлигини кўрсатиб, “пул ишлаш” учун фарм компаниялар фойдасига рецепт ёзилаётганини, бундан халқимизнинг соғлиғи ҳам, чўнтағи ҳам зарар кўраётганини таъкидлади.

Қайд этилганидек, уч йил аввал онкологик беморларни кимё ва таргет терапияси учун 29 турдаги препарат билан таъминлаш йўлга қўйилган эди. Лекин бу дорилар айрим ҳолларда жойларга ўз вақтида, тўлиқ етказиб берилмаяпти. Оқибатда баъзи беморлар уларни дориҳонадан 10 баробар қиммат сотиб олишга мажбур. Мана — фармацевтикадаги ўйинлар!

Йиғилишда таъкидланганидек, касалликларни эрта аниқлаш, диспансер назоратида турган, сунуқнали касаллиги бор аҳолини соғломлаштириш ишлари етарли эмас. Вилоят ва туман тиббиёт идоралари профилактика ўрнига “одамлар қачон касал бўлса, шунда даволаймиз” деб, ҳалиям эскича фикрлаб юрибди. “Электрон поликлиника”, “Электрон шифохона” ва “Электрон тиббий карта” тизимлари эса туя гўштини егандай, тўлиқ ишлаб кетолмаяпти.

Минг афсуски, давлат раҳбари томонидан тиббиёт соҳасига қаратилган эътибор, яратилган шарт-шароитларга қарамай, аҳоли бу соҳадан халигача рози эмас. Шундай экан, аввало, телеканал, радио ва матбуотда дорилар рекламасини тақиқлаб, аҳолининг соғлом турмуш тарзини юксалтирадиган табиий даволаш усулларига ўтиш зарур.

